

ХУЖУК

Мустақиллик ҳуқуқ демакдир

ЮРИДИК ГАЗЕТА

1998 йил
3 июн, chorshanba

21 (33)

Газета 1997 йил 27 августдан
чиқа бошлаган

Хуқуқ ва матбуот

ҲАМКОРЛИК КЎПРОҚ БЎЛСИН

29 май куни Республика Олий ҳўжалик суди биносида «Ўзбекистон Республикаси Президентининг «1998 йил 4 мартдаги «Хўжалик юритувчи субъектларнинг иқтисодий ночорлиги ва шартнома мажбуриятларининг бажарилиши учун мансабдор шахсларнинг жавобгарлигини кўчатириш тўғрисида»ги Фармони ва хўжалик қонунчилигини тарғиб қилишда оммавий ахборот органлари ҳамда Республика хўжалик судларининг ҳамкорлиги» мавзусида матбуот конференцияси бўлиб ўтди. Унда Республика Олий хўжалик судининг судьялари, газета-журналларнинг бош муҳаррирлари ва хуқуқий мавзуда қалам тебратувчи журналистлар иштирок этдилар.

Мазкур конференция давра столи атрафида суҳбат-баҳс тарзида амалий тақлиф-мулоҳазаларга бой бўлди.

Кўйида матбуот конференцияси қатнашчиларининг фикр-мулоҳазалари билан танишасиз.

хўжалик фаолиятини биладиган судьяларни топиш кийин кечмоқда. Чунки собиқ Иттифоқ даврида умуман бу йўналишда кадрлар тайёрланмаган. Шунинг учун ўзимизда хўжалик ҳисобида ишлайдиган ўқув маркази очиб, ҳозиргача 400 га яқин мутахассисни қайта тайёрладик. Бу йилдан Тошкент Давлат юридик институтининг хўжалик фаолияти билан шуғулланувчи хуқуқшунослар тайёрлайдиган бўлимига студентлар қабул қилинадиган бўлади.

Бузилган хуқуқларини тиклаш учун судларга муурожаат этаётганлар сонининг ўсганлиги ижобий ҳолдир. Лекин хўжалик судлари фаолиятини лозим даражада тарғибот ва ташвиқ этишимиз керак. Оддий фуқароларни қўйинг, ҳатто айрим масъул мансабдор шахслар ҳам шартномани қандай тузиш кераклигини билмайдилар, уни имзолаш масъулиятини тўла ҳис этайдилар. Бу мазкур қоронга, ҳатто айрим пайтда давлатимизга катта иқтисодий зарар етишига сабаб бўлиши мумкин.

Битта мисол келтираман: Фарғонадаги гишт заводларидан бирини тегизиш низоми хўжалик судида кўриб чиқдик. Завод ўз миқозлари билан тузган шартномада қарзинг тўланмаган ҳар бир куни учун шартнома суммасининг бир фоизи миқдорида жорима ундириш ҳақида банд бор. Кейинчалик завод ўзи маҳсулот олган бошқа бир ташкилот билан ҳам шундай шарт би-

(Давоми 3-бетда).

муносбатда бўлиш каби ҳолатларни бартарф этишда ҳали кўп иш қилишимиз керак. Хўжалик судлари олдида қўйилган вазифалар кўлами бошқа хуқуқ-тартибот идоралари билан айни пайтда, сиз, журналистлар билан мустаҳкам ҳамкорликда ишлашимизни тақозо этади.

1998 йилнинг ўтган тўрт ойи давомида хўжалик судларида қўрилган низолар сони ўтган йилнинг шу даврига нисбатан салкам 30 фоизга кўпайган. Ундириб берилган маблағлар нисбатида ўсиш 40 фоизни ташкил этади.

Агар ўтган 1997 йил давомида хўжалик судлари томонидан давogarлар фойдасига 27 миллиард сўмга яқин маблағ ундириб берилган бўлса, 1998 йилнинг тўрт ойи давомида бу кўрсаткич 20 миллиард сўмни ташкил этди. Фаолиятимизнинг бошқа йўналишларида ҳам ижобий ўзгаришлар бор. Лекин камчиликлар ҳам йўқ эмас.

Иқтисодчи-юрист мутахассислар етишмайди. Ҳатто

Мирзоуллубек Абдусаломов,
Республика Олий хўжалик суди
дининг раиси:

Олий хўжалик суди Ўзбекистон Республикасининг 1992 йил 8 декабрдаги Қонунига асосан Давлат арбитражи базасида ташкил этилган. Хўжалик судларини бемалол мустақиллик фарзанди дейиш мумкин. Президентимизнинг суд ҳокимиятининг бу муҳим йўналиши иривожлантиришга қаратилган реформаларида кейин, ўтган қисқа давр ичида хўжалик судлари фаолиятини ҳозирги давр талаблари даражасига кўтариш борасида муойян ишлар қилинди. Лекин «Хўжалик юритувчи субъектларнинг иқтисодий ночорлиги ва шартнома мажбуриятларининг бажарилиши учун мансабдор шахсларнинг жавобгарлигини кўчатириш тўғрисида»ги шу йил 4 мартда чиқарилган Президент Фармонида талаб этилганидек, баъзи судлар томонидан низоларни кўришга юзюки ёндошиш ва қонунбузарларга нисбатан мурасасозлик билан

Тошкент шаҳар прокуратурасида

ВАЗИФАЛАР БЕЛГИЛАВ ОЛИНДИ

Тошкент шаҳар прокуратурасида навбатдаги ҳайъат йиғилиши бўлиб ўтди. Ҳайъат йиғилишини шаҳар прокурори, 3-даражали давлат адлия маслаҳатчиси М.Наимов бошқарди.

Биринчи масала юзасидан ўтган йилнинг иккинчи ярми йиллиги ҳамда жорий йилнинг биринчи чорагида судлар томонидан чиқарилган қонунсиз қарорларга кассация муддатларида протестлар келтириш ва судларда назорат тартибида протестларнинг қўрилиши натижаларини тўғрисида судларда жиноят ишларининг қўрилишида прокурор ваколатини таъминлаш бўлимининг бошлиғи М.Ражапова маъруза қилди.

Республика Президентининг 1997 йил 3 декабридаги Конституциянинг 5 йиллиги муносабати билан эълан қилган амнистия ҳақидаги Фармони ижросини текшириш яқунлари юзасидан шаҳар прокурори катта ёрдамчиси Б.Одинавнинг ҳисоботи тингланди. Шунингдек, шаҳарда оғир ва ўта оғир жиноятларнинг ўсиш сабаблари ва уларни фож қилишда туман прокуратуралари ва ИИБларининг ишларини текшириш натижалари юзасидан бўлим прокурори Б.Аглаев йиғилганларга ҳисобот берди. Ҳуқуқатимиз томонидан кўп балоли ва кам таъминланган оилаларга ажратилган маблағлар ўз эгаларига етиб бораётганига бу

соҳада қандай муаммолар бор? Умумий назорат бўлими бошлиғи С.Рузиевнинг маърузасида ана шу саволларга жавоб берилди.

Шунингдек, шаҳар прокурори М.Наимов Республика прокуратурасининг шу йилнинг 15 майдига ҳайъат мажлиси қарорлари билан таништириб, «Жиноятчиликка қарши кураш, дастлабки тергов ва суриштирув ўтказишда қонунларнинг аниқ бажарилиши устидан прокурор назоратини тўлиқ таъминлаш ҳамда тергов мажмуаси фаолияти самардорлигини ошириш ҳақида»ги бош прокурорнинг 13-сонли буйруғи талаблари юзасидан қилинадиган вазифаларни белгилаб берди.

Ҳайъат йиғилишида қўрилган масалалар юзасидан тегизиш қарорлар қабул қилинди.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР
МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПАСПОРТ РЕЖИМИНИ КЎЧАЙТИРИШГА ДОИР ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси паспорт тизими тўғрисидаги Низомни амалга киритиш ҳақида» 1994 йил 23 декабрдаги Фармони ва шу асосда чиқарилган Ҳуқуқат қарорларининг ижросини текшириш бу борада жойларда ҳокимликлар ва бевосита масъул бўлган мутасадди идоралар фаолиятида жиддий нуқсонларга йўл қўйилаётганлигини кўрсатди.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, Тошкент шаҳри ва вилоятлар ҳокимликларининг масъулиятсизлиги оқибатида бир қатор шаҳар ва туманларда паспортларни бериш ва алмаштириш ишларини амалга оширувчи комиссиялар деярли фаолият кўрсатмаган.

Сурхондарё, Қашқадарё вилоятларида аҳолига паспорт топшириш кўрсаткичларини кўпайтириб кўрсатиш, Тошкент шаҳри, Бухоро, Жиззах, Новой, Наманган, Самарқанд ва Сирдарё вилоятларида ички ишлар идораларининг ходимлари томонидан қонунсиз равишда паспорт бериш ҳолатлари ўрин олган.

Жойларда паспорт режимини таъминлаш ҳамда хорижий фуқароларнинг Ўзбекистонга келиши, яшаши ва чиқиб кетиши ҳақидаги қонунларга риоя этилиши етарли даражада ташкил этилмаган.

Солиқ ва молия идоралари паспортлар ва маъмурий жарималардан давлат бюджетига тушадиган маблағлар юзасидан назорат олиб бормоган.

Республикада паспорт ислохотини амалга оширишни жаддалаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, Тошкент шаҳар ва вилоятлар ҳокимлигига аниқланган камчиликларни бартарф этиш, масъулиятсизликка йўл қўйган мансабдор шахсларга нисбатан кескин чора кўриш, паспортларни бериш ва алмаштириш ишларини амалга оширувчи комиссияларнинг фаолиятини жаддалаштириш мақсадида паспорт тизимларининг моддий-техник таъминот даражасини яхшилаш чораларини кўриш топширилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги (З.Алматов) икки ҳафта муддатда республика ҳудудида паспорт режимини такомиллаштириш бўйича қўшимча тадбирлар ишлаб чиқсин, мансабни суиистеъмол қилган ходимларнинг жавобгарлигини ҳал этиб, паспорт тизими ходимлари орасида интизом ва қонунчиликка риоя қилишни мустаҳкамлаш юзасидан чоралор белгилансин.

3. Ўзбекистон Республикаси Прокуратурасига (Б.Мустафоев) паспорт ислохотини амалга ошириш устидан назоратни янада кўчатириш, бу соҳада қонунбузарликка йўл қўйган мансабдор шахсларга нисбатан жиноят жавобгарликкача бўлган қатъий чоралар кўриш топширилсин.

4. Республика Давлат солиқ қўмитаси (В.Беганов) ва Молия вазирлиги (Ж.Сайфидинов) паспортлардан тушадиган тўловлар ҳамда маъмурий жарималарнинг тўла миқдорда ва ўз вақтида давлат бюджетига тушиши юзасидан назорат ўрнатилсин.

5. Мазкур қарорнинг ижроси устидан назорат Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ҳ.Ултонов зиммасига юклансин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси

И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри, 1998 йил 27 май.

Ахборот

ЮЗМА-ЮЗ МУЛОҚОТ

Халқимизнинг ҳуқуқий маданиятини оширишда фуқароларни ўз вақтида қабул қилинаётган қонунлар ва қарорлар билан таништириб бориш муҳим аҳамиятга эгадир. Бу борада Тошкент шаҳар прокуратурасида анчагина ишлар қилинмоқда. Шу йилнинг тўрт ойи давомида шаҳар прокуратураси раҳбарияти пойтахтимизнинг ўндан ортқ маҳаллаларида бўлиб, аҳолини янги қонун ва фармонлар билан таништирди. Кўни кеча шундай юзма-юз учрашувлардан бири Миробод туманининг «Боратхўжа» маҳалла аҳли билан бўлиб ўтди. Унда шаҳар прокурорининг биринчи ўринбосари Б.Ҳақназаров туман проку-

рори М. Маннонов маҳалла аҳлига пойтахтимизнинг тинчлиги ва оқибатининг сақлашда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралари амалга ошираётган ишлар ҳақида сўзлаб берди.

Жиноятчиликнинг олдини олиш ва унга қарши кураш борасидаги айрим муаммолар ҳақида очик-ойдин гаплашиб олинди. Учрашувда иштирок этган маҳалла фаоллари ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

Туман ИИБ бошлиғи И.Григорьев ҳамда туман ҳокимлиги вакиллари маҳалла аҳлини қизиқтирган саволларга жавоб бердилар.

(Ўз мухбиримиз).

ТАЪСИСЧИЛАР:

Ўзбекистон
Республикаси
прокуратураси
«Қонун ҳимоясида»
журнали

Тошкент шаҳар ва
Тошкент вилояти
прокуратуралари

БОШ МУҲАРРИР:

Абдуҳолик
АБДУРАЗЗОҚОВ

**ТАХРИР
ҲАЙЪАТИ**

Асрр АХМАДЖОНОВ

Дилшод ИСЛОМОВ

(масхул котиб)

Эркин ЙЎЛДОШЕВ

Мэлс НАИМОВ

Орипжон ХОЛМАТОВ

Лола ШОМУРОВА

Бахтиёр НАЗАРОВ

(бош муҳаррир

ўринбосари)

Газета андозаси
«Хуқуқ» газетаси
компьютер марказида
тайёрланди.

Тахририятга келган
қўлёзмалар муаллиф-
ларга қайтарилмайди.
Муаллифларнинг
фикрлари тахририят
фикридан фарқланishi
мумкин. Газетадан
кўчириб босилганда
«Хуқуқ»дан олинди, деб
курсатилиши шарт.
Тижорат аҳамиятига
молик мақолалар
белгиси остида chop
этилади.

Тахририят манзили:

Тошкент шаҳри, Гоголь
кўчаси, 66 - уй.

Телефонлар:

13-363-88, 13-382-34,
77-69-64.

Газета Тошкент вилоят
матбуот бошқармаси
томонидан №767 рақам
билан рўйхатга олинган.

Газета «Шарқ» нашриёт-
матбаа концерни босма-
хонасида офсет усулида
босилди.

Манзили: Тошкент
шаҳри,
Буюк Турон кўчаси -41.

Нусхаси 18900
Буюртма Г - 063
Қоғоз бичими - А-3.
Баҳоиси сотувда эркин
нархда.

Навбатчи муҳаррир:
Б. УЛЛИБОБОВ

Навбатчи:
О. БЕГАЛИЕВ

Учрашув

Ким жиноятга қўл уриши мумкин? Нега ёшлар жиноят кўчасига кирмоқда? Маҳалла кўмиталари раислари, қолаверса, туман ҳокимлигидаги мутасаддилар бу борада қандай ишларни амалга оширмоқда? Нега улар одамларнинг дардини эшитмапти? Хуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар ходимларининг ишларидан халқнинг кўнгли тўқми? Пойтахтимизнинг Чилонзор тумани «Кўтарма» маҳалласидаги учрашувда ана шу саволларга жавоб қидирди. Юзма-юз мулоқотда Тошкент шаҳар прокурорининг ўринбосари Музаффар Мирсолихов, Чилонзор туман прокурори Мурод Солихов, туман ҳокимининг ўринбосари Обид Аҳмедовлар маҳалла аҳлини қизиқтирган саволларга жавоб бердилар.

Учрашувни туман прокурори М. Солихов очиб, эл тинчлиги, хотиржамлиги йўлида амалга оширилаётган ишлар ҳақида қисқача гапириб берди.

Чилонзор тумани пойтахтимиздаги энг кўп аҳоли яшайдиган туманлардан биридир. Бугунги кунда туманимизда 300 мингдан ортиқ, юзга яқин миллион вакиллари яшайди. Аҳолининг тинчлигини таъминлашда бир ярим мингдан ортиқ ички ишлар ходимлари прокуратура ходимлари билан тўғри-қўнғи улаб астойдил хизмат қилаёпти. Халқимиз билан ҳамкорликда қилган яхши ишларимиз тўғрисида жиноятчиликнинг айрим турларининг камайишига эришдик.

Аммо, ўғирлик, фибрибгарлик, спиртли ичимлик истеъмол қилиб жиноят содир этиш ҳоллари кўпайиб учрамоқда. Сизларга бир мисол келтирмоқчиман. Яқинда тоғни урса талқон қиладиган 4 нафар йигит, кун бўйи одамларнинг ҳожатини чиқариб, қарияларнинг нафақа-ларини таркатиб келаётган фуқароларни ўлдирди. Ўз вақтида қилинган соғий-ҳаракатимиз тўғрисида жиноят очилди. Қотиллар ўз қилмишларини тан олиб, жиноятни ароқнинг кучи тўғрисида содир қилганликларини бўйинларига олишди.

Мен туманимиздаги содир қилинаётган барча жиноятлар очилапти, бизда муаммолар йўқ дегючки эмасман. Ёинки, туманимиз ҳудудига қарашли «Отчопар» бозорида содир бўлаётган қонунбузарликлар ҳақида ҳам тўхталиб ўтмоқчи эмасман. Бу ҳақда оммавий ахборот воситалари ҳар кўни бонг уриб турибди. Бу бозорга нафақат республикамизнинг вилоятларидан, болки МДХ давлатларидан келаётган минглаб фуқароларнинг қонуний хуқуқларини ҳимоя қилиш, нопокларнинг пайини қирқиб бизнинг зиммамиздаги вазифа эканлиги, бу ишлар тинимсиз меҳнат талаб қилишини айтиб ўтмоқчиман, холос.

Бизда савол бор

Ания Беласва: *Мен шу маҳалланинг 2-уйида яшайман. Кейинги пайтлар айрим хонадон эгалари «дом»нинг ҳоҳлаган жойидан эшик очиб, ҳоҳлаган ишни қилмоқда. Бағзилари ички деворларни ҳам бузиб, ўзларига мослаб олмоқдалар. ЖЭК ходимлари эса томошабин?*

М. Солихов: - Тушунтириб ўтиришнинг ҳожати бўлмаса керак. Қурилган ҳар бир уй режа асосида бунёд қилинади. Ҳеч ким мутахассисларнинг руҳсатисиз ўзи яшаётган «дом»да ўзбилармонлик билан ўзгартириш қилишга ҳаққи йўқ. Бизнинг ёнимизда туман ҳокимлигининг шу соҳага мутасадди

ЖИНОЯТ ҚИЛИШИ МҲМҲМ

- Қаердаки, қонун ҳукмрон бўлса, у ерда тинчлик, осойишталик ҳукм суради. Тинчлик ва хотиржамлик бўлган жойда кўт-барока бўлади, - деди сўз навбатини олган шаҳар прокурорининг ўринбосари М. Мирсолихов. - Ўзларингиз ҳар кўни ойнаи жаҳонда кўриб ўтирибсизлар. Ён кўшнимиз Тожикистон ва Афғонистондаги хунрезликлар тўғрисида неча минглаб инсонлар азият чекмоқда. Худого шўрлар бўлсинки, юртбошимиз ва ҳуқуқимиз олиб бораётган катта соғий-ҳаракатлар тўғрисида Ватанимизда тинчлик ва осойишталик ҳукм суримоқда. Бунда ўйлайманки, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ташкилотларнинг ҳам ўрни бекиёс. Мен пойтахтимизда қилинаётган катта савобли ишларда маҳалла кўмиталарининг ўрни, аҳамиятини алоҳида таъкидлаб ўтмоқчиман. Маҳалла ва гузарлари тинч ва осойишта бўлган шаҳарда халқ яйрат меҳнат қилади, мазза қилиб дам олади. Бир сўз билан айтганда, яратиш ишқи билан яшайди.

«Кўтарма»да нега жиноятчилик кўпаймоқда?

Мен сизлар билан юзма-юз мулоқотга келаётганимда «Кўтарма» маҳалласида кейинги йилларда содир бўлган жиноятларнинг сони ва сабабларини ўрганиб чиқдим. Тўғриси айтишим керак, бу маҳаллада кейинги йилларда айрим жиноятларнинг сони ошган. Бунинг сабаби маҳаллақўм фаоллари, қолаверса сизлар ҳам лоқайдликка берилгансизлар. Пойтахтимизда шундай маҳаллалар борки, уларда биронта жиноят содир қилинмайди. Сабаби - маҳалла аҳли, жамоатчилик, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар билан яқиндан алоқа ўрнатилган. Ана шундай намунали маҳаллаларнинг иш тажрибаларини сизлар ҳам ўргансангизлар фойдадан ҳоли бўлмайди, деб ўйлайман. Кимки жиноятчиликка қарши кураш билан фақат ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ташкилотлар шуғулланади, деса ҳато қилади.

Яна сизларга бир нарсани алоҳида таъкидлашни истардим. Кейинги йилларда «Ватон - маҳалладан бошланади» деган сўзини ҳар кўни эшитамиз. Бунда чуқур маъно бор. Қайси маҳаллада тартиб-интизом бўлса, ўша маҳаллада барқарор, халқимизга муносиб фарзандлар етишиб чиқади. Яна бир муаммо ҳақида тўхталиб ўтмоқчиман. Вояга етмаган болалар, ўсмирлар, бир сўз билан айтганда ёшлар орасида жиноятчилик кўпаймоқда. Бунинг асосий сабаби ота-аналар, мактаб, маҳаллақўм фаолларининг ўз вазифаларини бажармаётганлигидадир. Болалар тақдирига беварқ бўлишга ҳеч биримизнинг ҳоқимиз йўқ. Ҳуқуқимиз ўтиш даври муаммоларини ҳисобга олиб, фарзандларимиз учун қанчалаб маблағларни ажратмоқда. Биргина пойтахтимизда кам таъминланган оилаларга 232 миллион, кўп болали оилаларга 651 миллион сўм маблағни ажратилиши ҳам сўзининг исботи бўлади, деб ўйлайман.

килотларга ўз вақтида хабар бериш керак.

Шаҳар бедарвоза эмас. Ҳар қандай қонунбузарликнинг пайини қирқиб кўлимиздан келди. Сизлар яшаётган «дом»даги ҳолатга бугунроқ баҳона берилади.

Туман прокурори ва туман ички ишлар бўлими раҳбарлари ҳақида уюшма инспекторлари бу муаммони зудлик билан ҳал қилади.

Бу юзма-юз мулоқотда фуқароларнинг кўнчилиги «дом»ларда киш кўнлари иситиш тизимининг яхши ишлаганлиги, маҳаллага қарашли ЖЭК раҳбарларининг ўз вазифаларига совуққонлик билан муносабатда бўлиб, фуқароларнинг нозиликларига сабаб бўлаётганини очик-ойдин айтилди.

Учрашувда прокуратура ходимлари маҳалла аҳлини янги чиққан қонунлар, фармон билан таништирдилар.

Дилда дардлар қолмади

Д. Кенжабоев,
маҳалла кўмитаси раис
муовини:

Тўғриси, юзма-юз мулоқотнинг бундай жангли ўтишини ҳаёлимга ҳам келтирмаган эдим. Ҳамма дилидаги гапларни очик айтди. Меҳмонларимиз ҳам имкон қадар муаммоларни ҳал қилишнинг йўл-йўриқларини кўрсатди. Айниқса, тадбиркорлик ва ишбилармонлик билан шуғулланувчи айрим фуқароларимиз ўз ҳақ-ҳуқуқларини билишмаслиги маълум бўлиб қолди. Улар ҳам бошқалар ҳам ўзларига керакли маслаҳатларни олишди. Энг асосийси, бу учрашув баҳона ҳокимият раҳбарлари билан ҳам очик гаплашиб олдик.

А. Александрова,
уруш қатнашчиси:

Мен учрашувдан кўп нарсаларни билиб олдим. Маса-лан, биз Чилонзор туманида яшаймиш. Бу ерда жиноятчиликнинг аҳволи қандай? Унга қарши қандай курашилмоқда? Қандай муаммолар бор? Ҳамма учун қизик.

Мен ана шу саволларга жавоб олдим. Энг муҳими, биз туман ҳокимлигидаги раҳбарлар олдида айрим муаммоларимизни ана шу учрашув сабаб кўндаланг қўйдик. Ўйлайманки, муаммолар оста-секинлик билан ҳал бўлади. Ўтиш давридаги муаммоларни ҳаммамиз тўғри тушунишимиз керак.

Н. Йўлдошева,
маҳалла фаоли:

Қаердаки, ҳуқуқий маданият ривожланган бўлса, ўша жойда жиноят содир бўлмайди. Ўйлайманки, бундай учрашувларнинг ҳаётимизда ўрни бекиёс. Агар бу йилинги ёшлар ҳам кўпрок тақлиф қилинганда эди, улар ҳам кўп нарсаларни билиб олган бўларди.

Тўғриси, жиноятни ёши боз жойга бориб қолган фуқаро қилмайди. Шундай экан, бундай учрашувлар мактабларда, олий ва ўрта махсус билим юртларида ҳам тез-тез ўтказилиб турилса яхши бўлади.

Менга учрашувнинг маъқул бўлгани ҳамма дилидаги муаммони очик-ойдин айтишди.

Зайниддин МАМАДАЛИЕВ,
«Хуқуқ» мухбири.

Ҳуқуқ ва матбуот

лан шартнома тузиб, 20 миллион сўм қарздор бўлиб, банкротлик ёқасига келиб қолади. Ўрни келиб қолгани учун битта ҳақиқатни мамнуният билан таъкидламоқчиман:

Ўзбекистонда шартнома моданяти бўйича умумий тартиб ўрнатилди. Ҳамдўстлик мамлакатларининг бирортаси ҳали бунга эришолганлари йўқ. Эндиги вазифа бу муваффақиятни навбатдаги босқичга олиб чиқиш учун журналистлар билан ҳамкорликда шу йўналишда ҳам қўлни-қўлга бериб ишларимиз доркор.

Иккинчи бир муаммо: банкротликнинг олдини олишда оқсаб қолаяпмиз. Чунки бир судья ойида ўртача 65 та ишни қўриб чиқди. Шу қўрилган ишларнинг моҳиятини ҳалққа тушунтириб бериш учун унинг ё вақти, ё лаёқати етишмайди. Мана шу жойда журналист дўстларимизнинг кўмаги зарур бўлмоқда.

Қонунларнинг тарғиботи ва ташвиқоти етарли эмас. Журналистлар учун эшигимиз доимо очик. Ҳуқуқий мавзуда энг яхши мақолалар учун рағбатлантирувчи мукофотлар таъсис этишга тайёرمىз. Ҳуқуқий мавзуда қалам тебратувчи журналистларнинг ўқувини ташкил этишга ҳам розимиз.

Ҳабибулло Олжамон, «Ватан» газетасининг бош муҳаррири: (Давоми. Бошланғичи 1-бетда).

ҲАМКОРЛИК КЎПРОҚ БЎЛСИН

- Ҳамма кутган жуда ақлли учрашув бўлди. Менимча, Олий ҳўжалик суди ташкиллаштирмакчи бўлаётган ўқув-семинарининг амалий аҳамияти ниҳоятда катта бўлади. Чунки юридик соҳада маълум даражада билим ва тушунчага эга бўлмай туриб, ҳуқуқий мавзуда яхши мақола ёзиш қийин.

Мирвол Абдурахмонов, «Муқдор» газетасининг бош муҳаррири:

- Аввало, шундай фойдали учрашувни уюштирганликлари учун унинг ташкилотчиларига катта раҳмат. Менимча, бу учрашув айрим судьяларимизнинг матбуот ходимларига нисбатан бюрократлик қилишларига чек қўяди, деб ўйлайман. Мехр кўзда, дейдилар-ку. Тез-тез учрашиб турсак, қонун посбонлари билан журналистлар ўртасида ўзаро ишонч мустаҳкамланади.

Хуршид Дўстмуҳаммад, Олмайов ахборот восталари демократлаштириш ва қўллаб-қувватлаш Республика жамғармаси ҳамраиси, «Хуррият» газетасининг бош муҳаррири: - Ҳуқуқшунос-журналистларимиз сафи кенгаймоқда. Бу

қувончли ҳол. Энди ҳуқуқий мавзуда намунавий мақолалар ёзайлик. Республика газеталари ҳуқуқий мавзуда анча фоол, лекин вилоят микёсида ҳуқуқий тарбияга хизмат қилувчи матбуот материалларининг савиясини кўтариш керак. Судьялар орасида ҳам матбуотга ёзидиган кишилар кўпайиши керак. Олий ҳўжалик суди ўтказмакчи бўлаётган семинарнинг амалий жиҳатларини кучайтиришни тақдир қиламан. Бир-биримизни қанчалик яхши тушунсак, бир мавзу ҳақида қайта-қайта мақола ёзиш ҳолатлари тезроқ барҳам топади.

Абдулла Тўхтатов, Республика судьялар ассоциацияси раиси:

- Суд ҳокимияти ривожланмоқда. Матбуот 4-ҳокимият сифатида энди тетапоя қилиб келмоқда. Шунинг учун матбуотнинг чиқишларида айрим хатolikларга ҳам йўл қўйилмоқда. Менимча, бунинг иккита сабаби бор. Биринчидан, судьяларимиз матбуотнинг чиқишларига нисбатан муносабат билдиришда сусткашлик қилмоқдалар. Иккинчидан, айрим газеталаримиз қозиларга

нисбатан қозилиб қилиш даражасига бормоқдалар. Бунинг учун журналистларимизнинг ҳуқуқий билим етарли эмас-ку! Яна бир гап. Суд ҳўқуқлари тўғрисида, адолат ҳақида эҳтирос билан мақола ёзмак. Судлар, умуман, бошқа ҳуқуқ тартибот органларидаги айрим камчиликлар ҳақида эҳтирос билан ёзилган мақолалар бу соҳага нисбатан кўпчиликнинг ишонсизлигини уйғотиши мумкин.

Хуршид Дўстмуҳаммад: - Эҳтироссиз ёзилган мақолаларни ўқувчилар ўқимай қўяди. Газетхонларимизга самимий чиқишлар кўпроқ манзур бўлади.

Вали ҚОСИМОВ, Олий ҳўжалик судининг бошқарма бошлиғи:

- Айрим газеталаримиз у ёки бу камчилик тўғрисида ёза туриб, бутун бир тизимнинг фаолиятини йўққа чиқарувчи ҳукм билан мақолани умумлаштирмақдалар. Журналистларнинг ёки газетанинг бундай хулосалари билан келишиб бўлмайди.

Сафар Остонов, Республика Президентини девоини бош консулянти:

- Менимча, мулоқотимиз ҳар икки томон учун ҳам жуда фойдали бўлди. Яхши амалий тақлифлар, қимматли мулоҳазалар билдирилди. Бахслар ҳам етарли бўлди. Ва бундан келиб чиқадиган хулоса шунки, судьяларимизнинг ҳам, журналист дўстларнинг ҳам мақсади битта: ҳуқуқий демократик жамият барпо этиш ишига муносиб ҳисса қўшиш, фуқароларимизнинг ҳуқуқий маданиятини кўтариш учун ҳамкорлик, сидқидилдан меҳнат қилиш.

Бу мақсад йўлида майдалашмасдан, қамровни кенгроқ олиб, долзарб мавзуларга, таҳлили чуқур мақолаларга кўпроқ эътибор қаратиш лозим.

Битта-иккита газеталарни эътиборга олмаганда, қонунлар, фармонлар, қарорлар кўнглимиздагидек шарҳланмаётир. Ҳар бир қонун, фармон ва қарорлар шу соҳанинг билимдонлари иштирокида изчи шарҳланади, аҳолига тушунтириб борилса мақсадга мувофиқ бўлади.

А. АБДУХОЛИҚОВ, «Ҳуқуқ» муҳбири.

Прокурор назорати

- Ишназар ака, Самарқанд шаҳар прокуратураси томонидан Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг 1997 йил 28 майдаги «Қонун устуворлигини таъминлашда прокуратура идораларининг умумий назорат фаолиятини ташкил этиш, унинг сифати ва самардорлигини ошириш ҳақида»ги 4-сонли буйруғи талаблари асосида умумий назорат соҳасида қандай ишлар олиб борилмоқда?

- 1997 йил давомида умумий назорат тартибидега жами 63 та текширув ўтказилиб, шундан 55 та айриқонуний актлар аниқланиб, улар устидан эътирозлар келтирилди. Барча эътирозлар қўриб чиқилиб, қаноатлантирилди. Хусусан, 37 та амрнома берилиб, 68 нафар мансабдор шахс ўз хизмат вазифасини бажармаганлиги учун расмий равишда огоҳлантирилди. Қўлланилган таъсирий чоралар асосида 73 нафар шахс интизомий, 76 нафар шахс маъмурий, 24 нафар шахс моддий жавобгарликка тортилди.

Текширишлар натижалари бўйича 72 та жиноий иш қўзғатилиб, шулардан ҳозирга қадар 65 таси қўриб чиқилиб, айблов ҳукмлари чиқарилди.

- Маълумки, бозор иқтисодиётига босқичма-босқич ўтаётган республикамизда қимматли қўғозлар ўрни ўта муҳим. Бу борадаги қонунлар ижроси қандай?

- 1997 йил давомида банклар, пул муамаласи, ўзаро тўловлар ва қимматли қўғозлар тўғрисидаги қонунлар ижроси юзасидан 13 та текшириш ўтказилиб, битта айриқонуний акт аниқланиб, унинг устидан эътироз келтирилган. Қонунбузилишини бартараф этиш ҳақида 2 та амрнома берилган ва 9 нафар шахс огоҳлантирилган, 43 нафар шахс маъмурий жавобгарликка тортилган, 7 та жиноий иш қўзғатилган. Жумладан, шу йил март ойида «Гулдоста» фирмаси директори К. Салимовга нисбатан «Темирўлсаноат-қурилиш» банкидан 320000 сўм олинган кредит маблағларини талон-торож қилинганлиги ҳолати бўйича Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 167-моддаси 4-қисми ва 205-моддаси 2-қисми билан жиноят иши қўзғатилган. Ушбу жиноят иши вилоят суди томонидан қўриб чиқилиб, К. Салимов 8 йил озодликдан маҳрум этилди.

Шунингдек, «Квито» хусусий фирмаси

томонидан Саноат қурилиш банкидан олинган 320000 сўмлик кредит маблағининг сарфланиши юзасидан ўтказилган текшириш натижасида фирма директори В. Коломеецга нисбатан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 205-моддаси 2-қисми «а» ва «б» бандлари билан жиноий иш қўзғатилган. Натижада вилоят суди ҳукми билан В. Коломеец 8 йил озодликдан маҳрум этилди.

- Энди, бевосита қимматбаҳо қўғозлар билан ишлайдиган тадбиркорлар тўғрисидаги қонунлар ижроси ҳақида ҳам тўхталсангиз?..

- Йил бошидан то шу кунга қадар тад-

интизомий жавобгарликка тортилганлар.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1995 йил 5 апрелдаги «Хусусий тадбиркорликда ташаббус кўрсатиш ва уни рағбатлантириш тўғрисида»ги Фармонининг ижроси юзасидан текшириш ўтказилиб, натижалари бўйича шаҳар ҳокими номига тақдимнома киритилган.

Жамоа ва ҳиссадорлик жамиятлари мулк тўғрисидаги қонунлар ижро этилиши юзасидан «Оби-роҳат» ва «Баққолик» ҳиссадорлик жамиятларида текширишлар ўтказилиб, натижалари бўйича 7 та жиноий иш қўзғатилди. Жумладан, «Оби-роҳат» ҳисса-

- Ўзингизга маълумки, барча моддий бойликларнинг яратувчиси инсон меҳнатидир. Шу боис меҳнат қонун ҳимоясида. Айтинг-чи, меҳнатга доир қонунлар ижроси Сиз раҳбарлик қилаётган шаҳар прокуратурасида талаб даражасидами?

- Бу борада тўхталадиган бўлсак, мазкур қонунлар ижроси юзасидан 3 маротаба текширув ўтказилиб, 49 та ноқонуний акт аниқланиб, уларга эътирозлар келтирилди. 4 та тақдимнома киритилиб, 4 нафар шахс огоҳлантирилди, 4 нафар шахс интизомий жавобгарликка тортилди. Судьяга 9997 сўмлик 2 та давло оризаси киритилди.

Ушбу қонунлар ижроси юзасидан «Мусаффо», «Нафс», «Бонфанд», 22-автовоза, 4-сонли таксомотор парк, ободонлаштириш бошқармаларида текширишлар ўтказилди. Шунингдек, аҳолининг иш билан бандлиги тўғрисидаги қонунлар бажарилиши юзасидан Самарқанд шаҳар Меҳнат бандлиги ва аҳолини ижтимоий ҳимоялаш марказида текшириш ўтказилиб, натижаси бўйича марказ бошлиғи номига тақдимнома киритилиб, 2 нафар шахс интизомий жавобгарликка тортилди.

- Фуқаролар соғлигини сақлаш тўғрисидаги қонуннинг тиббийёт муассасаларидаги ижроси қай аҳволда?

- Ўтказилган текшириш жорёида бир қатор тиббийёт муассасаларида ишлаб юрган кўпгина ходимлар махсус билим юртларини битирмасдан тиббийёт муассасаларига қалбаки дипломларини тақдим этиб, улардан фойдаланиб келганликлари аниқланди. Текшириш натижалари бўйича 51 та жиноят иши қўзғатилди.

Хулоса қилиб айтганда, Самарқанд шаҳридаги қорхоналар, муассасалар, ташкилотларда қабул қилинган қонунлар, Президент фармонлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ижросини таъминлашда камчилик ва нуқсонлар бисёр. Бизнинг келгусидаги вазифамиз ҳам шу камчиликларни бартараф этиб, қонун ижросини тўлиқ таъминлашдан иборатдир. Шу мақсадда айни пайтда барча имкониятларни ишга солиб, астойдил иш олиб бормоқ-дамиз.

Шуни унутмаслигимиз кераки, қонун ижроси билан кучли.

Сўхбатдош: Ф. АЛИМОВ.

ҚОНУН ИЖРОСИ БИЛАН...

Самарқанд шаҳар прокурори, адлия катта маслаҳатчиси Ишназар СУЛТОНОВ билан мусоҳаба

биркорлик тўғрисидаги қонунлар ижроси юзасидан 6 та текширув ўтказилиб, натижалари бўйича 2 та тақдимнома, 4 та амрнома киритилган, 3 та мансабдор шахс интизомий, 21 та шахс маъмурий жавобгарликка тортилганлар, 3 та жиноят иши қўзғатилган.

Хусусан, Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 28 декабрдаги «Тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи жисмоний шахслардан рўйхатга олинганлик учун ундирилмаган йиғим ва бундай шахсларнинг рўйхатга олиш тартиби тўғрисида»ги Қонуннинг бажарилиши юзасидан Боғишомол, Темирйўл, Сиёб туман ҳокимиятларида текширувлар ўтказилиб, текшириш натижалари бўйича шаҳар ҳокимиятига тақдимнома киритилди. Бу тақдимнома қўриб чиқилиб, шаҳар ҳокимиятининг 215-К сонли Қарори асосида туман ҳокимлари муовинлари С. Аҳмедова, В. Хусанов, Ш. Аббосовлар

дорлик жамиятида ўтказилган текшириш натижалари бўйича жамоа мулкни ўзлаштириб, талон-торож қилган 6 нафар шахсга нисбатан жиноят иши қўзғатилиб, 6 таси ҳозирги кунга қадар судларда қўриб чиқилди. «Баққолик» ҳиссадорлик жамиятидаги текшириш натижаси бўйича «Фарзод» фирмаси директори О. Расулов 485000 сўмлик маҳсулотни олиб, ўзлаштирилганлиги ҳолати бўйича иш қўзғатилиб, вилоят прокуратурасига тергов олиб бориш учун юборилган.

«Стандартизация», «Метрология», «Сертификация» ҳақидаги қонунларнинг ижро этилиши юзасидан «Самарқанд-Прага» қўшма қорхонасида текшириш ўтказилиб, натижаси бўйича қонунбузилиши ҳолатларини бартараф этиш тўғрисида 1 та амрнома киритилди ва қорхона моддий жавобгар шахси Собир Ҳалимовга нисбатан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 167-моддаси 3-қисми билан жиноят иши қўзғатилди.

Конун ва ижро

«Кам таъминланган оилаларни ижтимоий ҳимоялашни кучайтиришга оид тадбирлар тўғрисида»ги ва «Болали оилаларни давлат томонидан қўллаб-қувватлашни янада кучайтириш тўғрисида»ги Фармонларнинг ижроси қандай таъминланмоқда? Ана шу саволларга жавоб топиш мақсадида Тошкент шаҳар прокуратураси идоралари томонидан юқоридagi фармонлар ижроси юзасидан текширув ўтказилди.

Пойтахтимизда кам таъминланган оилаларни ижтимоий ҳимоя қилиш мақсадида ҳукумат томонидан ўтган йили 230 миллион 340 минг сўм пул ажратилгани ҳам бу соҳада катта ишлар қилинаётганидан далолатдир.

Жорий йилнинг биринчи чораги учун 63 миллион сўм маблағ ажратилди. Ҳақли савол туғилади: Ҳукумат томонидан ажратилган маблағлар ўз эгаларига етиб бораётми?

Афсуски, ҳамон жойларда нопок, ўзгалар ҳақидан ҳазор

рича «совга» қилиб юборишган.

Баъзи фуқаролар эса ойлик маошларини сунъий равишда қамайтириб, давлатнинг минглаб сўм маблағларини ўзларининг фойдасига ўзлаштириб юборишмоқда. Ҳамза туманидаги А.Икромов маҳалласи, Сирғали туманидаги Ҳабибий маҳалласи, Яққасарой туманидаги А.Қаҳҳор маҳалласи, А.Икромов туманидаги «Қози гузар» маҳалласида яшовчи айрим шахслар бу соҳада анчо «пешқадимлик» қилишган. Жумладан, сирғалилик Бойко-

ланки, назоратсиз қолган маблағлар айрим нопок банк ходимлари учун жуда қўл келмоқда. Ўтган йилнинг апрел ва май ойларида Миробод туман халқ банки бўлим кассири Н.Юсупова ва назоратчи К.Низомовалар 8450 сўмни, А.Икромов туманидаги халқ банки ходимлари Э.Фаткалисламова билан В.Коротких 46 минг 500 сўм пулни қалбаки ҳужжатлар билан ўзлаштирганлар. Бундай нопок шахслар учун нафақат банк тизимида, балки бошқа соҳаларда ҳам ўрин бўлмастаси шарт.

Юртбошимиз ташаббуси билан 1998 йил Оила йили деб эълон қилинди. Вазирлар Маҳкамасининг «Оила манфаатларини таъминлаш борасида 1998 йилда амалга ошириладиган тадбирлар Давлат дастури тўғрисида»ги қорори ҳам оилаларга ҳукуматимиз томонидан

Қилмиш-қидирмиш

ВАТАН САРҲАДЛАРИ МУҚАДДАС

Маълумки, Сурхондарё вилояти бепоён мамлакатимизнинг жанубида жойлашган. Ҳозирда нотинч ҳолат ҳукм сураётган Тожикистон ва Афғонистон давлати билан чегарадош. Қўшни юртлардан баъзан ёмон ниятли шахслар ҳам вилоятимиз ҳудудидан ўтмоқчи бўлишди. Уларнинг айримлари гиёвандлик воситаларини контрабанда қилиш, сотиш мақсадида бўлишди. Биз қуйида шу каби ғайриқонуний хатти-ҳаракатлар ҳусусида қисқача тўхталиб ўтмоқчимиз.

1998 йил 17 апрел куни Ўзбекистон Республикаси МХХ Сурхондарё вилоят бошқармаси ходимлари томонидан Ўзбекистон Республикаси фуқароси Шоназар Эргашевнинг уйи тинтув қилинди. Термиз тумани «Дўстлик» жамоа ҳўжалиги Аэропорт қишлоғида яшоб келган бу шахс мамлакатимизда белгиланган тартибни бузиб, унинг чегарасидан ноқонуний тарзда ўтган Афғонистон давлати фуқароси Қилич ўғли Раҳмонни ўз уйда яшириб юрганлиги аниқланди. Нурдан қўрққан суварак сингари қўрнмасликка уринган ўзга юртининг ёт фуқароси шу тариқа қўлга олинди. Тинтув натижасида бир дона радиостанция ҳамда гиёвандлик воситаларини истемол қилиш учун мослаштирилган ускуналар ҳам топилган.

Суриштирув жараёнида юқорида зикр этилган ҳолатга алоқадорликда гумон қилинган, шу ҳудуддаги 14-бригадда яшовчи Абдуҷаббор Жонмуродовнинг уйда ҳам тинтув ўтказилди. Гумонлар тўғри бўлиб чиқди. Уй соҳибининг отаси Қурбонмурод Жонмуродовнинг ётоқхонасидан ва ёнидан 100 граммдан кўпроқ гиёвандлик моддаси топилган.

Ҳозирги вақтда бу жиноят иши бўйича дастлабки тергов ҳаракатлари оlib борилмоқда. Энди нопок ниятли «меҳмон» ҳам, «дори»га ўч «мезбонлар» ҳам қонун олдида жавоб беришлари турган гап.

Шу йилнинг 24 апрел куни соат 12 ларда Сарийосё туманидаги 2-сонли «Сарийосё» божхона мажмуасида Тожикистон тарафдан Ўзбекистон Республикаси ҳудуди орқали Россияга ими-жимиди жуфтакни ростлаб қолмоқчи бўлган Россия фуқароси Игорь Владимирович Теплов бошқарувидagi «ВАЗ - 2121» русумли «ЖО 112-УК» рақамли автоулов тўхтатилиб, божхона назоратидан ўтказилди. Текширув пайтида И.Тепловни совуқ тер босди. Улов эгаси негадир безовталаниб, ўзини қўрға жой топа олмади қолди. Қилини қирқ ёриб иш қўришга одатланган божхона ходимлари автоулов салонидagi ўнг ва чап ўриндикларни маҳкамланган трубкаларнинг ичига 580 грамм героин гиёвандлик моддаси жойлаштирилганлигини пайқаб қолишди. Оғу ашёвий далил сифатида олиниб, жаноб Тепловнинг қўлларига эса кишан урилди.

Ушбу ҳолат бўйича 24 апрелда божхона бошқармаси томонидан И. Тепловга нисбатан Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг 246-моддаси 2-қисми билан жиноят иши қўзғатилди.

Қизик томони шундаки, гумондор Теплов Ставрополь шаҳар прокуратурасида ҳайдовчи бўлиб ишлар экан.

Ҳозирги кунда мазкур жиноят иши бўйича кечиктириб бўлмас суриштирув ишлари олиб борилаёпти.

Биз юқорида айрим шахсларнинг осойишталигимизга, тинч ва фаровон турмуш кечиришимизга раҳна солишга уринаётганликларини баён қилдик. Бундай ғаразли мақсадли кимсалар ўзларининг ҳар қандай уринишлари беҳуда эканлигини билиб қўйсинлар. Озод ва обод диёримизнинг ҳеч бир нуқтасида уларга бир сония бўлса-да, қонунни оёқоти қилишларига макон ҳам, имкон ҳам йўқ!

Хулоса, вилоятимиз ҳудудида, чегара, божхона постларида ҳар қандай қонунбузарликларнинг пайи қонун доирасида бешафқат қирқилаёпти.

Жўра АЗИМОВ,
Сурхондарё вилоят прокурорининг
катта ёрдамчиси,
адлия катта маслаҳатчиси.

ХИЁНАТ

қилмайдиган кимсалар бор. Қонун бузилишлари юзасидан 12 та протест, 13 та тақдирнома, 59 та амрнома, 7 давво аризаси киритилди. 11 та жиноят, 2 та моддий, 5 та интизомий жавобгарлик ишлари қўзғатилди. 66 та шахс қонунбузарликка йўл қўймаслик ҳақида оголантирилди.

Текширишлардан шу нарса маълум бўлдики, ўтган йилнинг ўзида 587 та оилага 1 миллион 810 минг сўм ноқонуний тўланган. Айрим оила бошиқлари ўзларича давлатнинг қўзини шамғалат қилиб, сохта, айримлари эса олдинги тақдим этилган ҳужжатлар асосида ноқонуний ёрдам пуллари олганлар.

Молия идораларининг кейинги текширувларидан сўнг Ҳамза туманида 335 та оилага 361,3 минг сўм, Чилонзор туманида 58 та оилага 110 минг сўм, Бектемир туманида 25 та оила 40 минг сўм моддий ёрдам пуллари қонунга хилоф равишда берилган. Кам таъминланган оилаларни ҳисобга олиш, уларга моддий ёрдам тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги Низомнинг 3-бандида «Ижтимоий адолатга сўзсиз қатъий риоя қилиш ва кўрсатилаётган моддий ёрдамнинг мақсадини ишлатилиши, ҳақиқатдан муҳтож оилаларга берилишини таъминлаш» кераклиги шарт қилиб қўйилган. Афсуски, текширишларда ижтимоий адолат принципини бузилиши аниқланмоқда. М.Улуғбек туманидаги Ҳ.Абдуллаев маҳалла кўмитаси раҳбарлари ана шундай ноқонуний йўллар билан 5 нафар оилага 5800 сўм пулни ўзла-

билво ва Жумақуловлар 11380 сўм иш ҳақларини 1600 сўм қилиб, қалбаки ҳужжатлар тўриллаб, 1997 йилнинг март ойидан ўша йилнинг декабригача 17550 сўм пулни жигилдонларига уриб юборганликлари текширишларда аниқланди.

Кимки давлат мулки эгасиз, деб ўйласа хато қилади. Энг ачинарлиси, давлат ҳисобидан саҳийлик қилиш ҳолатлари қамайиш ўрнига ортомқоқда.

А.Икромов туманидаги «Қози гузар» маҳалласида яшовчи фуқаро А.Ибрагимов бир қанча вақт у нафар фарзанди учун 1050 сўм нафақа олиб келган. Аммо, унинг турмуш ўртоғи меҳнатга лаёқатли бўла туриб, туман меҳнат биржасида иш ахтарувчи сифатида рўйхатда турмасдан, фарзандлари учун нафақа пули олиб келган. Шу тумандаги М.Маҳкамова, Н.Муҳиддинова, М.Исҳоқоваларга ҳам маҳаллақўм томонидан болаларни учун ноқонуний ҳақ тўланган. Туман меҳнат биржаси вақили Д.Шарипова эса юқорида номлари келтирилган шахсларнинг иши билан ўз вақтида шугулланмаган.

Айрим кам таъминланган оилалар давлат томонидан ажратилган моддий ёрдам пулларини туман халқ банкидан ўз вақтида олмапти. 1997 йилда халқ банкининг бўйлиқларида 1541 та оиланинг 1.724978 сўм маблағлари депонент рақамига ўтказилган. Жорий йилнинг биринчи чорагида ҳам 695 оиланинг 915 минг сўмлик маблағи халқ банкида эгаларини қутиб ётибди. Ваҳо-

кўрсатилаётган ғамқўрликдан бир намунадир. Ушбу қарордан сўнг шаҳар ҳокимияти ўз дастурини ишлаб чиқди. Ёлғиз, кекса, кам даромадли оила аъзоларига моддий жиҳатдан кўмаклашиш учун «Меҳр-шофқат» хизмати, Қизил ярим ой жамиятларининг туман бўйлиқлари маҳаллий ҳокимликлар томонидан 1 миллион сўм маблағ ажратилди. Эндиги вазифа эса ана шу маблағларни қонуний тақсимлашдир. Ушбу дастур асосида ҳукуматимиз томонидан қаровчисиз қолган қариялар, кам таъминланган ва ижтимоий таъминотга муҳтож оилалар учун 15 миллион 682 минг сўм маблағ ажратилган.

Ҳукуматимиз ўтмиш даври муаммоларини ҳисобга олиб, моддий ёрдамга муҳтожларни ҳар томонлама қўллаб-қувватламоқда. Афсуски, айрим нопок кимсалар кексалар, ногиронлар, ҳатто болалар учун ажратилган маблағларни турли йўллар билан ўзлаштиришга ҳаракат қилмоқдалар. Яхши яшаш илнжиссида иймонидан кечиб ўзгалар ҳақида хиёнат қилишдан ҳам қайтмаётдилар. Нопок кимсаларнинг нафсларига барҳам бериш учун ҳамма бирдай қуршомчи керак. Бу борада ҳукуқшунослар билан маҳалла кўмиталарининг фаоллари яқли иш олиб борсалар қўлларини мақсадга эришяпти. Энг асосийси, ижтимоий адолат мезони таъминланади.

**Б. БЕКНАЗАРОВ,
Э. ШОДМОНОВ,
Тошкент шаҳар прокуратураси
умумий назорат бўлими
прокурорлари.**

Тадбир

ЙЎҚ БЎЛСИН ГИЁВАНД МОДДАЛАР

Сирғали тумани прокуратурасида туман прокурори ва унинг ўринбосарлари, туман ҳокими ўринбосари, ИИБ бошлиғи, туман суди раиси, маҳалла оқсоқоллари иштирокida йиғилиш ўтказилиб, туманда гиёвандликка қарши кураш юзасидан олиб борилаётган ишлар муҳокама қилинди.

Туман прокурори О. Матхаликов, ҳозирги кундаги ҳақонда энг қўл тарқалган гиёвандлик жиноятлари ва унга қарши кураш

юзасидан олиб борилаётган ишлар ҳақида гапириб, бундай жиноятларнинг олдини олишда таркибда гиёванд моддалар бор ўсимликларни ўз вақтида йўқ қилиш асосий омиллардан бири эканлигини таъкидлади: Сирғали тумани ҳудудида ва қўшни ҳудудларда ўстирилаётган гиёванд ўсимликларни йўқ қилиш бора-сида биргаликда тадбир ўтказишни таклиф этди.

Ушбу таклифни қўллаб-қувватлаган туман прокуратураси, ИИБ

вакиллари ҳамда маҳалла фаоллари гиёванд ўсимликлар ўстирилаётган жойларга чиқиб, гиёвандлик ўсимликларни йўқ қилиш борасида кенг қўламли ишлар олиб боришди. Натيجида тумандаги Усмон Носир номили хиёбон, «Дўстлик» маззеси, Чортоқ кўчаси, Аэропорт ва бошқа ҳудудларда бўлган гиёванд ўсимликларни йўқ қилинди.

Тадбир иштирокчилари жиноятчиликнинг олдини олиш борасидаги бундай фойдали тадбирларни тез-тез ўтказишга келишиб олишди.

**Б. ФОРИКОВ,
Сирғали туман
прокурорининг ўринбосари.**

Коррупция - хавфли жиноят

«ОСМОНДАН ТУШГАН ЧҲҲЯН»

ЁКИ «АМЕРИКА»НИ КАШФ ҚИЛГАН РАИС

Сўнги йиллардаги ўзгаришлар ҳар бир фуқаро онги, дунёқараши ва руҳиятида мўайян янгиланишлар ясай бошлади. Биз эски аъналар, кўникиб қолган одатлардан воз кечиб, умумий муқтақиллиқ шахс эркинлигидан бошланишини англаган ҳолда, ижодий муносабат малақасини тобора муқаммал эгаллаб бормоқдамиз. Буни ижтимоий-иқтисодий ҳақда сиёсий жабҳалардаги ўзгаришлардан билиб олиш қийин эмас.

Аммо кўпчилик «Биздан озод ва обод Ватан қилсин!» дея яқдиллик билан меҳнат қилаётган ва ижодий изланишлар олиб бораётган бир пайтда давлатимиз томонидан берилган имтиёз ҳақда эркинликлардан фақат ўзининг шахсий манфаатлари йўлида фойдаланиб қолиш ниятида юрганлар ҳам йўқ эмас. Сўзимнинг исботи сифатида Ўринбой Отажонов ва Сотиболди Худойберганаовларнинг жинойи хатти-ҳаракатлари, уларнинг фақат ўзим бўлай, қолгани бир гап бўлар қабилидаги ишлари билан танишсак.

Ў. Отажонов Россия Федерацияси Свердлов вилояти Нижний Тагил шаҳридаги «Хоразм» савдо уйининг, С. Худойберганаов эса Урганч шаҳар шахсий ёрдамчи хўжалик эгалари ишлаб чиқариш бирлашмасининг директори лавозимда ишлашган. Ҳар иккаласи ҳам катта идоранинг каттақони, давлат ишониб вақолат берган шахслар.

«Хоразм» савдо уйи вилоятимиз қорхона, ташкилот ва хўжалиқларида тайёрланган маҳсулотларни Россияда сотиш, уларга зарур товарларни етказиб бериш билан шуғулланган. Тўғри, савдо уйи ўзаро шартнома асосида айрим қорхоналар билан алоқа ўрнатган. Асосан бартер асосида ҳамкорлик қилиб келган. Вилоятда анча-мунча тилга тушиб қолди. Россияга йўл олган ишбилармон борки, Ўринбой Отажоновни суриштириб қоларди. «Ўринбой крутой парень» дегувчилар ҳам кўпайишиб қолганди. Аммо директорга буларнинг ўзи кифоя қилмасди. У худди эртақлардагидек тилга тўла сандиқ топиб, зумда бойиб кетишга ишқибоз эди. Унинг баландпарвоз хаёллари Сотиболдига ҳам ёқиб тушди. Кўр кўрни тунда топади, деганларидек, Сотиболди ҳам «эртақсеварлардан бўлиб чиқди».

Биз фидойий бўлишимиз керак, кечаси-кундузи ишлашимиз керак, - деб қолди бир куни Ўринбой.

Фидойи меҳнат ўзаро ҳамкорлик натижасидир, - деди Сотиболди ўртоғининг даъватида жавобан. Шу-шу, ҳамкорликдаги ишлар бошланиб кетди. 1994 йил октябрь ойи бошлари. Ўринбой одатдагидек маслаҳатга шеригининг ишхонасига борди. Тасодифни қаранги, у ерда вилоят очик турдаги «Хоразмагромаҳсуствамирлаш» ҳиссадорлик жамияти бошқаруви раиси Комилжон Юсуповни учратиб қолди. Сўхбат «Хоразм» савдо уйи томонидан олиб борилаётган оламшумул ишлар, миллионлаб олинаётган фойдадан бошланиб, янги танишга сув билан ҳаводек

«Ўзбекистонда, шубҳасиз, жиноятчиликнинг сабабларини аниқлаш чоралари кўрилмақда, фаш этилган коррупциячилар қаттиқ жазоланмоқда. Мамлакат ичидagi жиноятчилик доимо давлат томонидан қаттиқ назорат қилиб борилади. Жиноятчилик кенг авж олиб кетишига ва коррупциячилар домига илинган амалдорларнинг бебошлигига йўл қўймаслик мақсадида бир қатор узоқ муддатли чора-тадбирлар ишга солинган. Улар жиноятчиликка қарши кураш стратегия-мизни белгилаб беради».

И.КАРИМОВ.

зорур бўлган чўян ва кокс топиб бериш ваъдаси билан хотима топди. Нима зарур бўлса, мана биз «естъ» қиламиз, деди Ўринбой қувлик билан. Сотиболди ҳам бўш келмади. Вазиятдан ўз мақсади йўлида фойдаланиб қолиш учун шеригининг гапларига тўн кийгизиб турди.

Унинг савдо уйида куёнинг сути ҳам бор. Сизга зарур бўлган товарларни у менга жўнатади. Мен эса уларни ўз қорхонам орқали сотаман. Бизнинг икки томонлама ҳамкорлик ҳақида шартномамиз бор...

Яна тасодиф юз берди. Орадан бир-икки ой ўтар-ўтмас, яъни декабрь ойида К.Юсупов раислик қилаётган ҳиссадорлик жамиятининг юқори ташкилоти «Ўзқишлоқхўжаликтаъминоттузатиш» базаси билан Киев шаҳридаги «Миромал Валентин» қорхонаси ўртасида тузилган бартер шартномасига асосан Челябинск шаҳридаги «Дублекс» хусусий улгуржи тижорат агентлиги томонидан жўнатишган 120 тонна чўян ортилган юк поездеи Урганч шаҳрига етиб келди. Товар келиб тушгани ҳақидаги хабар Комилжон Юсуповга Ўринбойнинг баландпарвоз ваъдаларини эслатди. Товар қаердан келганлигини аниқлаш мақсадида Сотиболдига сим қоқди. Теъза қулай имконият туғилганини англаб етган С. Худойберганаов ҳеч иккиланмасдан «Товар шахсан менинг аралашувим билан Ўринбой томонидан юборилди», дейди. Ва чўянинг қаердан, қанча миқдорда келганлигини билиб олиш мақсадида тегишли хўжатларни теъза олиб келишни тайинлайди. Табиатан ишонувчан бўлган К.Юсупов товар-транспортнакладнойларини олиб боради. Ҳақиқатдан хабар топган Сотиболди барибир бўш келмайди. «Чўяни Ўринбой жўнатган» деб туриб олади. Шу куннинг ўзида Свердлов вилоятига сим қоқиб, гаройиб воқеалардан Ўринбойни ҳам бохабар қилади. К.Юсупов суриштириб қолгудек бўлса, гаплари бир жойдан чиқши керак-да. Бу хабар Ўринбойни жуда руҳлантириб юборди. Эртақлардаги тилга тўла сандиқ шу эмасмикин, деган ўй билан ишга киришиб кетди. Чўян «Хоразм» савдо уйи томонидан Урганч шаҳар шахсий ёрдамчи хўжалик эгалари ишлаб чиқариш бирлашмасига юборилган, деб кўрсатиш мақсадида сохта накладной тузди. Накладнойда 499505 сўм 8 тийинлик 120 тонна чўян 67889584 ва 60911807 сонли вагонларда жўнатилиди, деб кўрсатилди. Бу хўжатни теъза Со-

тиболдининг қўлига топширди. Сотиболди ҳам бўш келмади, иш қутилганидан ҳам силлиқ кўчоётганидан дадиллашиб, товарни ўзи раҳбарлик қилаётган идорага кириб қилиб қўя қолди. Хатто, накладнойда кўрсатилган баҳога йигирма фоиз устама қўйишни ҳам унутмади. Барчаси рисоладагидек бўлиши керак эди-да. Хуллас, «осмондан тушган товар» «Хоразмагромаҳсуствамирлаш» ҳиссадорлик жамиятига 573005 сўм 8 тийинга сотиб юборилди.

Дастлабки «операция» муваффақиятли яқунланди. Аммо бу иш битди, ташвиш кетди, дегани эмасди. Чунки энди ҳисоб рақамида пайдо бўлаётган пулни чўнтак томон йўллаш лозим эди. Ўринбой Урганч тумани С. Қаландаров номи жамоа хўжалигида яшовчи Х. Бобожоновга бериши керак бўлган 350 минг сўмлик қарзини узиш пайига тушди. Бу борода Вилоят шахсий ёрдамчи хўжалик эгалари иттифоқининг «Ғойбу» қорхонаси директори Ж. Мадаминов билан келишиб олди. 1995 йилнинг февраль ойида «Хоразм» савдо уйидан маслакдoshi С. Худойберганаов раҳбарлик қилаётган идорага 024-сонли хизмат хати келади. Орадан бир-икки кун ўтар-ўтмас Сотиболди Худойберганаов К. Юсуповга 05-сонли хат йўллаб, чўян учун тўланиши керак бўлган пулнинг 350 минг сўмини «Ғойбу» кичик қорхонасига ўтказиб беришини сўрайди. Ўринбой ДСП ва бошқа қурилиш материалларини «Ғойбу» қорхонасидан олиш тўғрисида сохта ишонч хатини ўз номидан расмийлаштириб Ж. Мадаминовга тақдим қилади. Ж. Мадаминов эса, «пойга»да ортда қолган номерд дея жавобгарлигидаги жами 348 минг 618 сўм 4 тийинлик 5126,73 квадрат метр ДСП ва бошқа товарларни Ў. Отажонов номига расмийлаштиради. Санаси ҳақда рақами кўрсатилмаган накладнойнинг «олдим» ва «жўнатдим» деган жойига «ўлик жон»лар имзо чекишади. Хуллас, «Хоразм» савдо уйи директори Х. Бобожоновга қуртдек санаб бериши лозим бўлган 350 минг сўмлик қорзидан осонгина кутулоди қўяди.

Ишнинг қутилганидан ҳам силлиқ кетаётгани ҳамтовокларнинг иштаҳасини янада очиб юборди. К.Юсуповни қунда-қунора йўқлайдиган бўлиб қолишди. Навбатдаги режа пишғач, яна К.Юсуповга сим қоқишди. Ғўшакни расининг ўзи олди.

- Алло, мен Сотиболди жўрангизман, сизга бир яхшилик қилиш ниятида теле-

фон қилаяпман. Эшитишимча, идорангизга кокс зарур бўлиб турган экан. Ўринбой Нижний Тагилдан кокс жўнатапти.

Раис хайрихолик билдирғач, асосий мақсадга кўчди.

- Биз коксини гуручга айрбоблаймиз. Россияда гуручга талаб катта экан.

Сотиболди бирон ҳафта ичида сохта ишонч хати ва бошқа хўжатлар асосида «Хоразмагромаҳсуствамирлаш» ҳиссадорлик жамиятидан 26200 килограмм гуруч олади. Нафси ҳақалак отган директор товарнинг сохта хўжатларини йўқотиб, талон-торож қилиб юборди. Хатто бир сафар, К.Юсуповни холижонига қўймасдан авраб, катта ваъдалар бериб, товарни республикамиздан ташқарига олиб кетиш учун тўланадиган 120 минг сўмлик бож ҳақини ҳам тўлатишади.

Ўғирлик билан фаҳшнинг умри уч кун, дейди халқимиз. Қинғир ишнинг қийиғи чиқмасдан қолмайди. Бу гал ҳам худди шундай бўлди.

1996 йилнинг феврари. «Хоразмагромаҳсуствамирлаш» ҳиссадорлик жамиятига Тошкентдан шошилинч телеграмма келди. Телеграммани қўлига ўшлаган К.Юсупов Американи кашф қилган Колумбдек хайратда қолди. Чунки, телеграммада 1994 йил декабрь ойида юборилган чўянинг пулини тўлашлари сўралган эди. Ана шундан сўн К.Юсупов товарни «Хоразм» савдо уйи эмас, балки «Ўзбекишлоқхўжаликтаъминоттузатиш» базаси юборганини тушуниб етди...

Сиз бу ҳамкорлар Комилжон Юсуповни роса боплашибди-да, деб ўйлаётандирсиз. Буниси-ку рост. Аммо, улар битта раҳбар билан чекланиб қолишмаган. Фаолият қўламани имконият даражасида кенгайтириб, бир йўла бир неча раислар билан учрашган. Тўғри-да, ваъдани қуюқроқ қилиб берса бас. Тонналаб гуруч тайёр. Шакар бераман деб, Сотиболди кўпчиликини чўв туширди. Вилоят шахсий ёрдамчи хўжалик эгалари уюшмаси раиси Матназар Жуманазаров ва Урганч туман савдо ҳиссадорлик жамиятининг собиқ раиси Худойназар Юсуповлар шакар сўзини эшитишлари билан тонналаб гуручларини Сотиболдининг қўлига тутқазиб қўя қолишди. Аммо, ваъдага вафо бўлмади. С.Худойберганаов олган товарларнинг хўжатларини йўқ қилиб, идорасига кириб қилмасдан ўз манфаатлари йўлида ишлатиб юбораверди.

Хуллас, ҳуқуқ-тартибот идоралари аралашуви билан адолат қарор топди. С.Худойберганаов ва Ў.Отажоновларнинг «меҳнат»лари муносиб тақдирланди. Ҳар бири етти йилу олти ойга озодликдан маҳрум қилинди. «Хоразмагромаҳсуствамирлаш» ҳиссадорлик жамиятига 2 млн. 150 минг 215 сўм, Урганч туман савдо ҳиссадорлик жамиятига 1 млн. 800 минг сўм ва Урганч шаҳар шахсий ёрдамчи хўжалик эгалари ишлаб чиқариш бирлашмасига 2 млн. 600 минг сўм 40 тийин солидор тартибда ундириладиган бўлди.

Шоназар САТТОРОВ,
Хоразм вилоят прокуратураси
ташки иқтисодий фаолиятда порахўрлик,
талон-торож ва бошқа сунъетмаолчилик-
ларга қарши кураш бўлими бошлиғи,
адлия маслаҳатчиси.

Исон ва қонун

ИККИ ТОМОНЛАМА МАСЪУЛИЯТСИЗЛИК

Исон энг олий қадриятдир, деган эди Президентимиз Ислам Каримов. Дарҳақиқат, фуқароларимизнинг яхши яшashi, жамиятга кўпроқ фойдаси тегишини таъминлаш учун, аввало, ҳар бир инсоннинг қадрига етишимиз, бунинг учун бор куч ва имкониятларимизни ямояшнинг лозими. Лекин, афсус, жамиятимизда «масъулиятсизлик» деб аталмиш бир иллат борки, бу иллатни тағмонлар билан қурибди юбормай туриб, қундалиқ турмушимизнинг айтилишига, ҳалқимиз ҳаётининг фаровонлигига эришиш кийиндир.

Бу йил кишининг фавқуллода қаттиқ келганлиги ҳалқнинг иссиқлик энергияси, яъни газга бўлган эҳтиёжини қучайтириб юборди... Уста-уст ёққан қор ва ёмирлар таъсирида ҳоратнинг пасайиши натижасида Бухоро шаҳри Ф.Хўжаев тумани аҳолиси иссиқ кунларнинг қадрини совуқда билишди.

Шаҳар, туман аҳолига коммунал хизмат кўрсатиш корхоналари ўстидан ёзилган шикоятлар натижаси буй кўрсатилганча, мана баҳор ўтиб, совуқ қишда иссиқ-зорлик билан кулаганимиз иссиқ ёз ҳам келди.

Туман прокуратураси томонидан таъминот соҳасидаги хизмат корхоналарида Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Халқ ҳўжалигида ҳисоб-китоблар ўз вақтида ўтказилиши учун корхона ва ташкилотлар раҳбарларининг масъулиятини ошириш борасидаги чора-тадбирлар тўғрисидаги» Фармони талаблари тегишлилигини ўтказилди.

Текширув натижасида баҳоналар ўринсиз эканлиги, бу соҳа мутаассадилари ўз вазифаларига масъулиятсизлик билан қараб келганликлари, кўрсатилган хизматлар учун Фармон талаблари асосида 15 фоиз қорз олдиндан ундириб олиниши ўз ҳолига ташлаб қўйилганлиги оён бўлди. Газ ёниғисидан ўзбошимчилик билан фойдалонган корхона ва ташкилотларга, тижорат ишлари билан шуғулланувчи шахсларга нисбатан ҳеч қандай чоралар қўрилмаганини қандай боҳо-лаш мумкин?

Шуни ҳам эслатиб ўтиш кераки, туман ҳудудида аҳолига бу борада хизмат кўрсатаётган корхоналар ўз ишларини ҳозирги замон талаблари асосида қайта қуришга қўн қийматлар. Аҳолининг электр энергияси билан таъминлашда тез-тез бўлиб турадиган узатишлар, олдиндан хабар қилмасдан энергияни ўчириб қўйиш, газ ёниғисидан билан таъминлашдаги масъулиятсизликлар бу борада давлат ва меҳнат, ишлаб чиқариш, молия интизомини тўғри йўлга қўйилмаганлигидан далолат беради.

Мазмуни, бозор иқтисодиёти шариоҳида тўлов интизоми асосий ўринни эгаллайди. Қайси бир соҳада бўлмасин, тўлов интизоми тўғри йўлга қўйилса, хизмат ҳам беиннат бўлиши табиийдир.

Ақсариат ҳолларида ўзимиз хизмат кўрсатиш соҳасидаги корхоналарга эфирозимизни билдириб, ёмон хизмат кўрсатилаётганлиги тўғрисида ариз қилишга одатланган қолганмиш. Лекин, бунда ўзимизда ҳам айб борлигини баъзан тан олгани келмайди. Туман ҳудудида истиқомат қилаётган фуқаролардан 170 нафари

электр энергиясидан фойдаланганлик учун тўловларни ўз вақтида тўлаб келмаган. Уларнинг қарзи 700 миң сўмдан ошиб кетган бўлишига қарамастан, электр тармоқлари корхонаси моъмурияти томонидан бирон-бир чора қўрилмаганини нима дейсиз?!

Айрим ҳолларида туман прокуратураси ходимларига шикоятчилардан «ойлигимизни, нафақамизни ўз вақтида ололмаямиз» деган эфирозларни эшитиб туришига тўғри келади. Текширувларда бунинг сабаблари яна тўлов интизомининг бўзилишига қараб тақалишига олин бўлди. Давлат банкларига тўловлар ўз вақтида келиб тушмасо бундай муаммолар туғилиши ўз-ўзидан ташунноли эмасми?!

Ф.Хўжаев тумани ҳудудида истиқомат қилаётган 4160 фуқаролар хонадони қолган хизматлардан фойдаланганлик учун 9 миллион 148 миң сўм тўловларни ўз вақтида тўламаганлар. Бу рақамлардан тўли томондан ҳам масъулиятнинг унутиб қўйилганлиги аниқлашди.

Туман ҳудудида руҳсатсиз, ўз бошимчилик билан газни улаб олиш ҳолатлари мавжуд бўлишига қарамастан бирон-бир ҳўжжати тегишли равишда расмийлаштириб, тегишли органлар олдига ўзбошимчи фуқароларга жорима солиш масаласи қўнданан қилиб қўйилмаган.

Воҳоланки, Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 101-моддасида рўғорда электр, иссиқлик энергияси ёки газдан фойдаланиш қондаларини бузганлик, газдан ўзбошимчилик билан фойдаланганлик учун фуқароларга тегишли миқдорда жорима солиниши назарда тутилган. Бироқ, шаҳар газлаштириш ва газдан фойдаланиш корхонаси раҳбарлари томонидан бу қонун талабларига риоя қилинмапти. 1997 йилда ва 1998 йилнинг текширилган даврида бирон-та фуқарога ёки корхоналарга нисбатан ҳўжжатлар расмийлаштирилмаган ва бирон киши ҳам жоримага тортилмаган. Бу - ишга совуққонлик билан қарашдан бошқа нарса эмас.

Бухоро шаҳар электр тармоқлари корхонасида ўтказилган текширишдан шу нарса маълум бўлдики, Ф.Хўжаев туман уй-жой бошқармасининг бу корхона олдидаги қарзи 1 миллион 863 миң 820 сўми ташкил қилган. Бу қарз устида баҳс-мунозар чикқан бўлишига қарамастан ҳўжалиқ судига даъво аризаси биян мурожаат қилиш ҳеч қимнинг ҳаёлига ҳам келмаган.

Бухоро шаҳар пахта тозалаш заводи ҳиссдорлик жамияти молиявий жиҳатдан мустақам корхоналардан ҳисобланади. Лекин, шаҳар газлаштириш ва газдан фойдаланиш корхонасидан 1997 йилда газ ёниғисидан фойдаланганлик учун 1 миллион 376 миң сўм қардор бўлиб қолган. Ҳиссдорлик жамияти моъмурияти бу қарзни тўлашни пайсалга солиб келгани равшан бўлиб турибди. Туман прокуратураси аралашувидан кейинги хиссдорлик жамиятининг ўз қарзларини узишдан бошқа чораси қолмади.

Корхона иш фаолияти устидан етарли назорат ўрнатилма-

ганлиги натижасида тўлов интизомининг бўзилишига йўл қўйиб келинган. Туман ҳудудида истиқомат қилаётган 27.761 та оила газдан фойдаланганлик учун ўз вақтида тўламаган тўловлар миқдори 1998 йилнинг 1 январ ҳолатида 53,6 миллион сўми тошки қилган ва уни ундириш борасида ҳеч қандай чора қўрилмаган.

Туман прокуратураси аралашувидан кейинги 600 нафардан ортиқ фуқаро 4 миллион 13 миң 572 сўм миқдордаги қарзларини узди. Тумандоғи диний ташкилотлар ҳам қонун талабларини инкор қилиб келган бўлсалар-да, уларга ҳам газдан фойдаланиш корхонаси моъмурияти томонидан лам-мим дейилмагани қизик.

«Хўжа - Табанд», «Баланд», «Масжиди-Колон», «Дилқушо», «Фейзобода» ва бошқа масжидлар томонидан газдан фойдаланганлик учун шаҳар газлаштириш корхонасига 1996 йилдан бўён 40-90 миң сўмгача тўловлар тўланмаган. Бу қарзларни ундириб олиш чораси қўрилмаган. Туман прокуратурасининг аралашувидан кейин ҳўжжасизликка чек қўйилди.

Текширишлар натижаси шуни кўрсатдики, туман ҳудудидаги фуқаролар газдан фойдаланганлик учун тўловларни жойларда аҳолига хизмат кўрсатувчи халқ банки бўлимига тўлаб келганлар. Лекин, шаҳар газлаштириш ва газдан фойдаланиш корхонаси моъмурияти Банклар билан тез-тез солиштирма далолатномадан тузиши, тушулорнинг аниқ ҳисобини олиб боришда банклар билан ҳамкорликда ишлалари лозим бўлса-да, бу вазифага панжа орасидан қараб келганлар. Бундан фойдаланган айрим халқ банки бўлимидаги ходимлари бу тўловларни ўзлаштириш йўлига ўтиб олганлар. Улар ёпиқлик қозон ёпиқлигига қолади, деб ўйланган бўлсалар керак.

Вилоят халқ банкига қарашли, туман ҳудудидаги 8677/024 сонли халқ банки бўлимига фуқаро Д. Аҳмедов газдан фойдаланганлик учун 1997 йилнинг 24 декабр кунида 7139 сўм тўлов тўлаган. Лекин, тўловни қабул қилиб олган халқ банки бўлими хазиначиси Т. Морозова назоратинг йўқлигидан фойдаланиб, 7139 сўми банк хазинасига кирим қилмасдан шахсий манфаати йўлида ўзлаштириб юборган. Т. Морозовага нисбатан Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг 167-моддаси 1-қисми билан жиноий иш қўзғатилди. Аҳолидан келиб тушадиган тушуллар устидан етарли назорат ўрнатилганда бунақа ғойриқонуний ҳолатлар юз бермаслиги ҳам мумкин эди.

Қундалиқ турмуш тарзидан ниҳоятда зарур бўлган электр энергияси, газ, сувдан ва коммунал хизматлардан фойдаланишда қатий тортинг ўрнатиш, бу борада тўлов интизомини мустақамлашга қаратилган чораларни қўриш, интизомсизлик ва масъулиятсизликка чек қўйиш корхона ва ташкилотлар раҳбарлари ҳамда фуқароларнинг конституциявий бурчларидан биридир. Буни барча раҳбарлар ва фуқаролар унутмаслик лозим. Чўнки, бу бозор иқтисодиёти талаблари ҳамдир.

Н.ХАФИЗОВ,
Ф.Хўжаев тумани прокурори.

Бузоқнинг юргани...

Ўзбошхор туманидаги «Ўзгарқимётаъминоти» ҳиссдорлик жамияти ҳосилоти Имомқул Ҳақимовнинг фикри-хаёлида жамоа мулкни ўғирлаб сотиш, мўмой бойлик орттириш нияти борлиди, ёки йўқлиди - бунга биргина ўзи ва худо биларди. Лекин бу ҳақда у бутун тергов давомиди ҳам чўрк этгани йўқ. Ҳар ҳолда Имомқул 1996 йилнинг 4 декабрида «Новозотот» ишлаб чиқариш бирлашмасига бутун туман бўйича белгиланган ўғити олиб тарқатиш учун келди-ю, юриш-туриши ўзгариб қолди. Сабаби бирлашма дарвозаси олдида, маъмурий бино ичкариси ва ташқарисиди ўғит сўровчилар сафда туриб, интизор кутишарди.

- Бир-икки машина селитрани пуллаб юборсам қим ҳам билиб ўтирибди, - деб ўзи билан ўзи савол-жавоб қиларди Имомқул. Бундай фўрсат яна бўладими, йўқми? Уғит олувчиларнинг сони мингта, ҳали бирови рўпара бўлувди, 10 тонна олмақчи экан, пули нақд! Мендан нима кетди...

Уша бирови билан бирлашма олдидаги ошхонада учрашди. Нуриддин Ашуров Хатирчи туманидаги «Мушторий» деҳқон ҳўжжалигининг келгуси йил ҳосили учун ўғит қамлаб қўйиш учун келганлигини айтиб, бу ишда ёрдам беришини Имомқулдан илтимос қилди.

- Деҳқон экансиз, майли, ёрдам бераман, - деди ҳосилот, қўлидаги ҳўжжатлар солинган папкини титқилар экан. Шу ерда у папкасидаги қоғозларни титқиллаш жараёнида гўё Нуриддиндан ундириши мумкин бўлган пуллорни ҳисоблаётгандек эди. Шу аснода «Қанчага қурбаниз етати?» - деб сўради.

- Бир КамАЗга сикқунича оламан. 10 тоннага бориб қолади, деди деҳқон иши ўнгидан келганига ҳўрсанд бўлиб, - Шарти қандай бўлади?

- Эртага дарвоза олдида келинг, ўша ерда ҳаммаси ечилади, - деди Имомқул ўрнидан тураётди. - Бугун мен яна 4-5 машина ўғит жўнатишим керак.

Эртаси кўни, яъни 5 декабр соат 11 ларда улар бирлашма-

СЕЛИТРАХўРЛАР

нинг жанубий дарвозаси олдида учрашди. Иккаловининг ҳам қофияти хўш эди. Негаки, бирининг қўли пул кўради, иккинчиси эса арзон баҳода олган ўғит билан ҳўжаликка кириб боради. Ҳосилот машина топиб келишни айтиди.

- Машина бор, деб ҳисоблаверинг, - деди «Мушторий» мушторийси. - Хизмат ҳақидан гапиринг, ака.

- КамАЗга 200 қоп кетади, ҳар бирига 40 сўмдан берсангиз бўлади, - деди Имомқул ёнидан ҳисоблагични чиқариб. - Атиги 8 миң сўм бўлар экан, сиз билан ака-ўка бўлиб қолдик, ҳали кўп ишлар қилармиш, деб Имомқул нимагадир шоме қилди.

Машина топиш Нуриддинга жуда осон кўчди. Светофордан сал четроқда янгигина КамАЗ турган экан. Н.Ашуров унинг олдида бориб саломни қўюқ қилди, дарровгина келишиб ҳам олишди. Ҳайдовчи М.Колесников икки миң сўмга Хатирчага боришга рози бўлди. Лекин, ҳайдовчининг йўл юравериб, анча қўзи пишган эканми, юкнинг ҳўжжати бор-йўқлигини сўриштириб қолди.

- Дарвоза олдида ҳўжжатларни оламиз, - деб уни ишонтирди Н.Ашуров.

Амбордан аммиак селитраси ортилиб, ташқарига ҳам чикди. Ҳосилот уларни дарвоза олдида кутиб туради. Келишилганидек Н.Ашуров унга 8 миң сўм пулни кўрдати санаб берди. Кейин ҳосилот хайралаш ичун қўл узатди.

- Юк учун ҳўжжат ёзиб бермайсизми? - сўраб қолди дабдурустан Н.Ашуров.

- Йўлда ўғит учун ҳеч қандай қоғоз талаб қилишмайди, тўхтатиб, ҳўжжат сўраса, қолонда бўлиб қолжаза ташиямиш, деб олдиб кетаверасан, - деди устамонлик билан И.Ҳақимов.

Алло ўғит ортилган машина «Мушторий» деҳқон ҳўжжалигига етиб бормади. Йўлда уларни ДАН ходимлари тўхтатиб, ҳўжжатларини кўрсатишларини талаб қилдилар. Кейин эса сўруштирув, текшир-текиш ва тергов ҳаракатлари бошлини кетди.

Узаро жиноий тил бириктириб, ғараз мақсад билан ўзганинг жуда кўп миқдорда (9650 килограмм аммиак селитрасининг жами нархи 70 миң сўмдан ортиқ) мулкни талон-тораж қилиб ўзлаштирган И.Ҳақимов ва Н.Ашуровларнинг қилмишлари қонун ва адалат нуқтаи назаридан баҳоланиб, вилоят судининг жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати очик мажлисида қўриб чиқилиб, одилона ҳўкм чикарилди.

Қишлоқ ҳўжжалиги учун жуда зарур бўлган ва жиноятчилар томонидан талон-тораж қилинган 9650 килограмм минерал ўғит Навбаҳор тумани ҳўжаликлорига - қонуний эгаларига бўлган бўлганда маъкур жиноятни келтириб чиқарган сабаб ва шарт-шориларни бартароф қилиш тўғрисида «Новозотот» ишлаб чиқариш бирлашмасига ва Навбаҳор туман «Агроқимётаъминоти» ташкилотига тақдимнома киритилди. Бу тақдимнома ушбу ташкилотлар, меҳнат жамоалари ўртасида мувоқома қилиниб, келгусида бундай ҳолатлар юз бермаслиги учун тегишли чоралар-тадбирлар белгиланди.

Н.САФАРОВ,
Новий вилоят прокуратураси
жиноятлари тергов қилиш бўлими
қатта терговчиси, адлия мақсатчиси.

Жиноятга жазо муқаррар

Аксар жиноятлари содир этиш заминда мол-мулкка, бирор бойликка эга бўлиш ва шу билан бирга наконуний хатти-харақатларга монелик қилувчи тўсиқлардан қутулиш истаги ётади. Айни кунга тўлган, забардаст ёшдаги Ҳосил Қўлматовнинг маст-оласт кўзларига мусичодай беозор онаси ва ночор отаси ана шундай тўсиқ бўлиб қўринди. Афтидан, бу ноқобил фарзанд «ўз уйимдан, хоҳлагани шимини қилаверман, ким билиб ўтирибди ва ким ҳам шундай ўйларди», деб кўнгилдан ўтказган, қотилнинг «хоҳлаган иши» оғир жиноят, ўз ота-онасининг жонига ҳасд қилишдан иборат бўлиб чиққан.

1997 йил 16 март куни 67 яшар отаси Сотиболди Қўлматов ва 65 яшар онаси Бахрихан ая Қўлматовани болта билан чапиб ўлдириётганида билаларидаги шафқатсиз куч фақат ароқнинг ақл-идроқни олиб қўювчи кучимида, деб ўйга тўласан киши. Бу бир қараганда эвалдан режалаштирилмаган, ҳеч қандай тайёргарликсиз, тасодифан содир қилинган жиноятга ўхшайди. Расман шундай ҳам. Лекин қотилнинг кейинги хатти-харақатлари Ҳосил Қўлматовнинг бу қабиҳликка руҳан анча тайёр бўлганлигини, қўлига болта ушлаганида уйкуда ётган жигарларини асло ота-она ўрнида қўрмаганлигини, аллақачонлар инсонийлик қиёфасидан айрилиб улгурганлигини кўрсатади. Уйкудаги кўзлар кимники бўлишидан қатъи назор, айни пайтда унга фақат бир тўсиқ - оддий девор бўлиб туюлдики, қотил учун девор қулаши, бу кўзлар абадий уйкуга кетиши керак эди. Чунки, вақеа юз берган кунги ана шу кўзлар оқаётган ўғлининг кўзларига тик қараган,

ота «кўп ичсан», деб фарзандини бироз койган эди. Қолаверса, ўғлининг ана шу кунги ота-онасининг 28 минг сўм микдоридagi пулни санаб ўтирганларида, фалон шима ороқ бўладиган, хайвоний эҳтиёжини яна фалон кун қондирадиган кунга эга бойликка кўзи тушган. Ҳеч қаредда ишламаган, мейёрий ҳаётдан йиллар давомида ҳам жисмонан, ҳам руҳан узилиб қолган, ўзининг бутун умрини бир-иккита улфатларига-га, захри қотилга боғлаган Ҳ. Қўлматов жиноят йўлига ўз уйидан бошлаб кирди. «Уйдаги гапни» кўчага чиқармаслик учунми, чапиб ўлдирилган ота-онасининг жасадини ярим тунда шу ховлидан чуқур қазиб, қўмиб

рустан ўзгартириб ҳам олди. Жиноятни рафикаси Меҳмонои Усмоновага тўнкаб, силлиқ ҳаётга ўргатган Ҳ. Қўлматов сўддан ҳам силлиқна чиқиб кетишни қўлади. Лекин, тергов ва сурштирувлар натижасида унинг қилмишлари қош бўлиб, жазо муқаррар бўлиб қолди. Рафикасининг гувоҳлик беришича, 15 март куни уларнинг уйларига қўшилари Ойбек ва Икромлар Меҳмонга чиқшган. Меҳмонои уларга дастурхон ёзиб, хизмат қилган.

Кейинроқ «қўзамик» касалига чалинган фарзандининг кечаси иситмаси кўтарилиб қолишини ўйлаб, турмуш ўртовининг руҳати билан «ҳар ҳолда отамнинг машинаси бор,

ларни олиб, Жалолободга кетиб қайтиб келмади, деб ИИБ-га ариза билан муурожаат қилади. Судланувчининг илк кўргазмасида у меҳмонларни тунда кузатган, юқорида қайд қилинган пулнинг сарф-харажати устида ота-онаси билан келишмай қолгани, уларга гал қайтарганлиги учун отаси Ҳосилга болта ўқталганлиги, орага онаси тушиб, уларни тинчлантирганлиги баён қилинган. Ота-онасининг гапини кўтаролмаган «боло» масалани болта билан хал қилишни маъқул кўради. Бир неча улфатчилик дастурхонини безаши мумкин бўлган 28000 сўм пулни сингисининг бешик тўйига сервант бўлиб боришини, умуман,

онасини ҳеч монеликсиз кетма-кет чапиб ташлайди. Ажабо, қотил ўз кўргазмасида уларни пул учун ўлдирмаганлигини билдиради. Судланувчининг таъкидлашича, у тижорат ишлари билан шугулланиб келган. Ғўе, ичса ҳалолга ичган. Бу таъкидлар ва ёлғон уйдирмалар Ҳосил Қўлматовнинг нақадор тубанлашиб, инсон сифатида ўз қилган жиноятдан ҳам пастлашиб кетганлигидан далолат беради: қотилликни Меҳмонои амалга оширган, у фақат қўмишга ёрдан берган, турмуш ўртовга агар воқеани бирорва айтаётган иккита фарзандимиз билан бирга ўзимни каналга ташлайман» деганлиги учун эр ҳаммасини ичига ютиб, сўнгра эса фарзандларнинг келажоғини ўйлаб, рафикаси ва қариндош-уруғларининг гапи билан ушбу муҳим жиноятни ўз зиммасига олган эмиш. Ҳа, кўтарилган болтанинг қайтиш зарби ҳам борлиги, у ўша кўллари билан ўз ҳаётига ҳам болта уриб қўйганлигини, кеч тушунди, ҳаётини сақлаб қолиш учун нишонга айбиз рафика-сини тутиб, ўзи тўхмат орқасидан паноҳ қидирди. Табиийки, ҳар қандай жиноятчи қўлга тушишига у қодар ишонвермайди, шунинг учун унинг жазо ҳақидаги тасаввурули хира бўлади, у жазо ҳақида қора курсио, қара қисматида кўра, жазосиз эркинлик, навбатдаги жиноятларга очилмас йўл, ўзи тузган рисоладагидек ҳаёт тўғрисида ўйлайди, ғўе «яхши ният» қилган. Бу «яхши ният» қонунга ҳам, оддий инсонийликка ҳам ўта зид, кишилар ва жамият, қолаверса, жиноятчининг ўзи учун ҳам зарорли бўлиб чиқади.

Исломиддин ЖУМАНОВ, Республика прокуратураси бошқармаси прокурори.

ҲУҚУМ ВА МАҲКУМ

ташлади. Эҳтимол, бу қотиллик икки қадаҳ ароқ ичишдай бир гал бўлгандиру, лекин ўз жиноятини бўйнига олиш подаркуш учун оғир кечди, чунки қутилган мақсад амалга ошмаганлиги, олинган ўзи режалаштирган енгил ҳаёт эмас, қатта жазо кутаётганлиги уни эсанкиратиб қўйди. Суд мажлисида ўзига қўйилган айбга қисман иқдор бўлган судланувчи ана шу эсанкиришдани, суднинг иккинчи яримда кўргазмасини дабу-

зарурат туғилиб қолса, касал-хонага бориш ошон бўлади», деб отасининг уйига кетади. Эрта тонгда яна ўйга қайтиб келганида, эрининг ўхламай, бевозта бўлиб юрганини кўриб, бунинг сабабини сўрайди. У ота-онасининг саҳарлаб Жало-лободга кетганлигини айтади. Ёлғонга чин ишонган аёл сўраган эл-улусга ҳам шундай жавоб қилиб юрaverоди. Буни қарангки, 2 апрел куни Ҳ. Қўлматов ота-она уйдаги пул-

арокдан бошқа ҳар қандай нарсага хорж бўлишини у тасоввур қилолмади. Болта, фарзанд қаҳри билан қок тунда қон тилаб кўтарилди. Дарвоқе, Ҳосилбек, онаси билан айтишиб қолганидан кейин қайғир-тини салтиқлаш учунми, ё «мар-длик» учунми, ҳар ҳолда яна уч пилёла ароқ ичганлигини таъ-кидлаш ҳам жоиз. Шундан сўнг подари бузруқвори ва онасининг хос хонасига кириб, аввал ўхлаб ётган отасини сўнгра

Мавзуга қайтиб

ИТ ҚУТУРСА, ЭГАСИНИ ҚОПАДИ

Газетанинг ўтган сонидида «Қимматга тушган эътиборсизлик» мақоласида аҳоли яшаш жойларида уй хайвонларини сақлашда қонунга риоя этмаслик оқибатлари ва бунинг олдини олишда прокуратура идоралари олиб бораётган ишлар ҳақида сўз юритилган эди. Қуйида ушбу мавзуга яна қайтамиз.

Қ. исми 7 яшар қизча қучуқча билан ўйнайди. Қучуқча унинг кафтини тиллаб олади. Ота-онаси ўзларини билимдан ҳисоблаб, шифокорга учраш ўрнига қучуқ тиллашга жойга отир суртадилар. Орадан икки ой ўтгач, қиз қутуриш касали билан оғрийди ва вафот этади. Ушбу воқеа чекка бир қишлоқда эмас, Тошкент шаҳридаги маҳалла-лардан бирида содир бўлди. Ва бу афсуски, ягона ҳодиса эмас. Шаҳар давлат ветеринария бошқармасида бўлганимизда шу ва шу каби ўйлаб ҳодисалар тўғрисида гапириб беришди. Ҳўш, нега шундай бўлган? Ноҳуш ҳодисаларнинг олдини олиш учун қандай қонун-қондаларга риоя қилиниши керак? Биз ушбу саволлар билан Тошкент шаҳар давлат бош ветеринария инспектори М. ХАСАНОВга муурожаат этдик. - Узбекистон Республикасининг «Ветеринария тўғрисида»ги Қонунда ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг «Аҳоли яшаш жойларида ит, мушук ва бошқа хайвонларни сақлаш тўғрисида»ги қарориди белгиланган қондаларга мувофиқ, уй хайвонлари, жумладан, қорва моллари боқувчилар тегишли қонун-қондаларга бўйсунушлари шарт. Аммо, афсуски, баъзилар оқибатни ўйлаб ўтирмасдан

масъулиятсизлик қиладилар. Уй хайвонларини ўз вақтида ветеринария кўригидан ўтказишдек муҳим ишга беоварво муноса-батда бўладилар. Натижада юқорида қайд этилгани каби ноҳуш ҳодисалар юз бери-ди. Қутуриш касалига учраб, ҳаётдан қўз юмганларнинг кўпчилиги эса ит ёки мушук тиллашган, бирон ерини тиндалоганда тез-да шифокорга муурожаат этмаганлар. Ма-салан, ўтган йили шаҳримиздоги 76 ёшли отахон қўшнисининг боласини дайди бир ит тиллаб олганини кўриб қолади ва итни бўйиб ўлдиради. Ит отахоннинг қўлини тирнаб олади. Қўшилари боласини тез-да врачга олиб боришди. Аммо отахон қўшинларидан ит қўлини тирнаб олганини айтмасликларини илтимос қилади ва эс-кичасига ўзига дори-дармон қилади. На-тижада орадан 27 кун ўтгач, қутуриш касалига мубтало бўлади ва беш кундан сўнг вафот этади. Шифохонага қатнаб, эмлаш курсини ўтаган бола эса соғ-сало-мат. Ёки яна бир мисол: А. исми фуқаро сигирини боқиб юрганида молнинг сулағи қўлига оққанига эътибор бермайди. Ора-дан қўп ўтмай сигир бебosh бўлиб қолади ва орадан бир неча кун ўтгач қутуриш оқибатида ўлади. Сигир эгаси эса бил-ла туриб врачга муурожаат этмайди. Натижа-да...

Умуман олганда, 1997 йилда ўн мингга яқин шахс, шу жумладан, 7651 фуқаро уй хайвонларидан жабрланган. 9 мингга яқин фуқаро шифокорга муурожаат этган. - Хайвонларнинг қутурагалигини қандай сезиш мумкин? - Ҳар қандай хайвон ушбу касалликка учраганда оғзидан жуда кўп сулак оқа бошлайди. Айниқса, итларда бу касаллик бошқа хайвонларга нисбатан кўп учрай-ди. Бундай кезларда итлар жуда бевозта бўлиб қоладилар. Баъзилар ўта воҳшийлашиб кетади. Яна бир ҳоллари - оёқ-қўллари ишламай, фалажланиб қо-лади. Бундай ҳолларда уларга ақинлашмай, тезда ветеринарга муурожаат қилмоқ ке-рак. Қўпинча касалланган ит ёруғлиқдан қўрақидан бўлиб қолади. Кўп увиллайди. Мушаклари фалажланиб, овози бўғилоди ва шу тўфайли ҳам одамларга ҳурмасдан, ташланодиган бўлиб қолади. Хуллас, нима бўлган тақдирда ҳам ит ёки бошқа уй хайвони одатдан ташқари ҳаракат қила бошласа, тезда мутахассисга муурожаат этиш керак. - Юқорида қайд этилган қонун ва қарор уй хайвонлари эгаларига қандай бурч ҳамда вазифалар юклайди? - Қутуриш билан боғлиқ ҳодисалар асосан итларда учраши боис кўпроқ ит боқувчилар риоя этишлари лозим бўлган қонун-қондалар ҳақида тўхтала қолайлик. Демак, уй хайвонлари эгалари: 1. Итларни ветеринария муассасала-рида рўйхатдан ўтказишга ва қайта рўйхатдан ўтказишга;

- 2. Ит сотиб олганда ёки янги яшаш жойига қўчиб келганда 7 кун мобайнида рўйхатдан ўтказишга;
- 3. Рўйхатдан ўтказилганлиги (қайта рўйхатдан ўтказилганлиги) ҳақида маълумотнома тақдим этишга ҳамда итни текши-риш ва қасалликнинг олдини олувчи эм-лаш учун ҳудудий ветеринария муассаса-сига олиб келишга;
- 4. Уй хайвонларнинг умумфойдала-нишдаги жойларни (зинопола майдончалар-ини, кириш жойларини ва турор жойлар атрофини) ифлос қилишига йўл қўймаслик-ка;
- 6. Ит одамларни ёки хайвонларни тил-лашдан тақдирда ўни дарҳол текшириш-га 10 кун муддат ажратиб қўйиш учун вете-ринария муассасасига олиб келишга ҳамда биринчи ва такоррий ветеринария кўрни-ги ҳақидаги маълумотномани ветеринария муассасасидан олишга ва уни тезда тил-лашдан жабрланган шахсга топширишга;
- 7. Касал ва керак бўлмаган хайвон-ларни ит тутиш хўжалиқларига топши-ришга (Тошкент шаҳрида телефонлар: 47-92-77, 47-89-27, 54-76-27);
- 8. Хайвонларни рўйхатдан ўтказишга онд хизматлар ҳақини белгиланган тар-тибда тўлашга мажбурларлар. Бундан ташқари, Вазирлар Маҳкамас-ининг юқорида таъкидланган қарорига кўра, ветеринария хизмати ходимларидан ташқари уй-ҳой коммунал фойдаланиш идоралари, маҳалла кўмиталари, участка милиция назирлари ҳам ушбу қондалар ижросини назорат қилишлари лозим. - Ушбу қондаларга риоя этмаганларга қандай қоралар қўрилади? - «Ветеринария тўғрисида»ги Қонун-нинг 21-моддасида белгиланган қўйилгани-дек, ушбу қонун бузилишида айбдор бўлган шахслар интизомий, моддий, маъмурий ва жиноий жавобгар бўладилар.

Сухбатдош: Дониёр ХАЛИЛОВ

ЮРИДИК

МАСЛАХАТХОНА

Мен ўзимга тегишли бўлган мулкнинг вақтинчалик сақлаб туриш учун бир яқин кишига берган эдим, у эса мен берган мулкни бошқа кишига фойдаланиб туриш учун берибди. Уша кишидан менинг мулкнидан фойдаланиш натижасида топган даромадларни талаб қилишим мумкинми?

О.Хасанов,
Куйи Чирчиқ тумани.

Ўзбекистон Республикаси Фқаролик Кодексининг 229-230-моддалари талабларига мувофиқ, сизнинг мулкнингизга эғалик қилиб турган шахсдан ўз мулкнингизни ва шунинг билан бирга ундан қанча вақт фойдаланиш натижасида топган даромадларнинг ҳаммасини бериш тўғрисида талаб қўйишингиз мумкин. Лекин, мулкдан фойдаланган шахс ҳам ўз навбатида ўша вақт давомида мулкнингизга қилган харажатларини тўлашни сиздан талаб қилишига ҳақли.

Гаровнинг қандай турлари мавжуд?

С.Келдиёров,
Сурхондарё вилояти.

Гаров закатат, ипотека, шунингдек ҳуқуқлар гарови тарзида бўлиши мумкин.

Гаровга қўйиладиган мулк гаровга қўллагчи томонидан гаровга алувчи ўқзингидан гаров закатат деб ҳисобланади.

Кўчмас мулкни гаровга қўйиш эса ипотека ҳисобланади. (Ўзбекистон Республикаси ЖК 265-моддаси).

Яқинда мен нотариус томонидан тасдиқланган бир ҳужжатни йўқотиб қўйдим, топшириш иложи бўлмайпти. Нима қилай?

К.Исмолов,
Дехқонбод тумани.

Агар сиз нотариал тўртиб-да тасдиқланган ҳужжатни йўқотган бўлсангиз, унда ёзма ариза билан ушбу ҳужжатни тасдиқлаган нотариал идорига мурожаат этинг. Нотариус сизга ушбу йўқолган ҳужжатнинг дубликатини беради.

Ишончнома энг қўли билан қалча мuddатга берилиши мумкин?

Н.Отаноов,
Ўзбекистон тумани.

Ишончнома - мuddатли ҳужжат бўлиб, у ўзиде кўрсатилган мўълум бир мuddат давомиде амалда бўлади. Бу мuddат уч йилдан ошиб кетмаслиги керак. Мабодо, ишончномда тўрт ёки олти йил кўрсатилган бўлса ҳам, фақат уч йил давомиде амал қилади. Агар ишончномда мuddат умуман кўрсатилмаган бўлса, бундай ишончнома тузилган кундан бошлаб бир йил давомиде амалда бўлади.

Ишончноманинг тузилган куни ва амал қилиш мuddати ёзма равишда кўрсатилган бўлиши керак.

Жавобларни ҳуқуқшунос
Донёв ХАЛИЛОВ
тайёрлади.



Р.ШАРИПОВ фотосурати

Турфа олам

КУЧУҚЛАР МАКТАБИ

Германиялик Ганс Вернернинг шахсий мактаби бор. Бу мактаб бошқалардан шуниси билан фарқланадики, у ерда кучуқлар ўқитилади. Мактабдаги бир ҳафталик таълим учун 440 марка тўланади. Вернер ва унинг 14 нафар оқори малакали домлалари тўрт оёқли қашғирдаризга мехмонхонада, ресторанда, дўконларда ва машинага чиққанда ўзини қандай тўтиш кераклигини ўргатишади.

ТўРТ ОЁҚЛИ ЧАҚАЛОҚ

Жанубий Африканинг Канштатт шаҳри госпиталларидан бирида чақалоқни онасининг қоридан ёриб олган дўхтирлар гўдақни кўриб, хайратдан донг қотишибди. Боланинг 4 та оёғи бор эди. Дўхтирлар чақалоқни 3 марта операция столига ётқизишиб, унинг

ортиқча оёқларини олиб ташлади.

ҚАЙТА ЎРНАТИЛГАН КУЛОҚ

Американинг Нью-Ганович шаҳри тиббиётчилари ажайиб операцияни амалга оширишди. Улар икки ёшли Крис Грэхэмнинг ут тиш-лаб олиб, ютиб юборган кулагини қайтадан тикиб қўйишди. Бу виси-никага мехмонга борган бола эҳтиётсизлик қилиб, уришгаётган итлар орасига тушиб қолади. Кутилишганда уч ит Крисга ташланади қилишади-ю, бириси унинг кулоқчасини кеб» юборади.

Мутахассис махсус дори бериб итларни ухлатиб, қоринини ёриб, уларнинг бирдан Криснинг кулоқчаларини топиб, жарроҳларга беришади.

Ишнинг кўзини билган жарроҳлар кулоқчани жойига тикиб қўяди.

Маслаҳат

ЭРКАКЛАР БЕЗАГИ

Дид билан кийиниб, яраштириб бўйинбоғ тақиб олган йигитларга, кишиларга кўзингиз тушса, ҳавас билан қарайсиз ва сиз ҳам худди шундай кийинишга ҳаракат қиласиз.

Дарҳақиқат, аёл кишиларнинг кўлаб турли-туман тақинчак, безаклари бўлгани ҳолда эркакларга безак сифатида биргина шу бўйинбоғ насиб қилган. Ана шу эркакларнинг яғона безаги ҳақида гап кетар экан, унинг ўзига хос қизикорли тарихга эга эканлигини айтиб ўтиш жоиздир.

Хозирда дунёда 600 миллиондан ортиқ киши бўйинбоғ тақаркан. Бўйинбоғ эркак усти-бошининг ҳашоми сифатида бундан 300 йил олдин пайдо бўлган. Қизғин шундаки, бўйинбоғ аввалбошда, олифатгарчилик учун эмас, химёя воситаси сифатида пайдо бўлган. Яъни, одамни об-хавонинг ноҳуш таъсиридан химёя қилиш учун ўйлаб топилган. Биринчи бўлиб, грипнинг олдини олиш мақсадида бўйинбоғ тақини Румо аскарлари бошлашган. Кейин, 1660 йилда Францияга кўнган Хорват кўшинлари аскарлари бўйинларига рўмолча боғлаб юрганлар. Юқори табака вакилларининг рўмоллари шоҳидан бўлган. Бу зийнат французларга маъқул тушган ва ўрф бўлиб кетган. Бу зийнатни шунинг учун «хорват» деб атаганлар. Шундай қилиб, бутун дунё халқларига ўрф бўлиб кетган бўйинбоғни қандай тақиб кераклиги ҳақида кўпгина кўлланмалар ҳам вужудга келган. Узини кийиниши билан ажралиб турадиган италиян халқиде, айниқса, бу зийнатга эътибор катта. Италияда босилган китобда бўйинбоғ боғлашнинг 180 усули берилган.

Майли, италиянлар 180 усулда боғлайверишин, бўйинбоғларини. Лекин, бутун жаҳон халқлари орасида кенг тарқалган бўйинбоғ боғлашининг асосан учта усулини батафсил ўрганиб олсангиз, фойдадан холи бўлмайд.

«Лонг» - энг осон тури. У энли, учи чўзинчак ёқаларга бўйинбоғ қалин ва дағал бўлган ҳолларда ишлатилади.

«Манхотпан» - содда тугун. У учли, лекин энгиз ёқаларга боғланади.

«Виндзор» - бу мураккаб, рок, трапеция шаклидаги тугун. Бўртиброқ туради, тўмтоқ, бурчакли ёқаларга ярашади.

Хозирги пайтда бўйинбоғ расмий эркак либосининг зарурий безагидир. Гули, ранги, тугун тўғри танланса, эркак усти-бошига тугал, башанг тус беради.

Оч ранг костюмларга ёркинроқ бўйинбоғлар ярашади. Масалан, кўланг ва оқ куйлакни ёркин кўк, сафсар ёки зангори бўйинбоғ очди. Жигарранг костюмга эса шу рангдого очроқ бўйинбоғларни танлаганингиз маъқул.

Расмий маросимларга кийиладиган қора костюм ва оқ куйлақдан иборат усти-бош кўланг, мовий кўланг бўйинбоғлар билан яғона салобатлироқ кўрилади.

Умуман, бўйинбоғ танлаш бутун бир санъатдир, чунки бўйинбоғ киши моданяти, фаросати, дид даражасининг кўрсаткичидир. Лекин, бўйинбоғни хар доим ҳам тақавири ярамайди. Бўйинбоғ мия иши унумини пасайтириши аниқланган. Шунинг учун ҳам ақлий меҳнат билан шугулланувчиларга бўйинбоғ тақиб тавсия этилмайди. Умида БОЛЛИЕВА тайёрлади.

Ана ҳолос...

Бундан ўн йиллар олдин ҳақима матбуотида басма-бас «Маймундан турилган одам боласи» ҳақида мақолалар босилди. «Шимпанзе одам». Растдан шов-шув бўларди ҳодиса. 1987 йилнинг 6 декабрида «Уша гаройиб бола» туғилди. Дунё тиббиёт оламида янглик! Фан тараққийнинг юксак чўққисиди! Шунча деган шов-шувлар баянд пардаларда ёзилди. Мутахассислар боланинг узоқяшаб қолишига ишонқирамади. Наридан бора бир йилга ё етар ё етмас, деган ҳулосага келишди.

Ўшанда уч ойгача чақалоқ онаси - шимпанзе билан бирга яшоди. Она-боланинг саломатлиги ҳам яхши эди. Шундан сўнг болани Украинанинг Киев шаҳрида яшовчи фарзандсиз оила асраб олди. Янги ота-онаси «Маймун болани Андрей деб номлашди. Шу-шу Андрей ҳақидаги шов-шувлар бир мунча босилиб, унутилгандай бўлди. Ахир, Андрейнинг бошқа болалардан ажралиб турадиган бошқа жиҳати ҳам йўқ эди-да. Ҳамма болаларга ўхшаган бола.

Орадан етти йил ўтган эса яна боланинг бошқалирида Андрей-маймун боласи ҳақида гап-сўзлар бўлди. Чўнки, Андрей ўзининг «туққан онаси билан учрашди. Тўғриси, ўша пайтда «Маймун боланинг дунёга келгани ҳақидаги хабардан ҳазиргидай хайратланмаганим, қаттиқ таъсирланмаганим ҳам. «Она-бола учрашуви» деб номланган суратга кўзим туш-

АНДРЕЙ МАЙМУННИНГ БОЛАСИМИ?

ганида эса аъзойи баданим жунжикиб кетди. Нохотки бола маймун онасига интилса? Оналигини сезса! Ахир, у инсон-ку!

Урим бина бўлиб ҳеч ҳам бундай она-бола ҳолатини кўрмаганим - деб ёзгани рус ақшер шифокори, шимпанзенинг дояси Александр Густов. - Шимпанзе олдинга беозоргина Андрейни ўзига тортди. Юз-кўзларини силаб бошлади. Шу кўйи бутун танасини силаб чиқди. Кейин кўзларидан шашкатор ёш оқа бошлади. Ҳа, маймун ички бир сезги, илоҳий ҳис билан Андрейни «таниганиди». Бағрига маҳжирок босди. Унсиз

йиглади, елкалари қаттиқ-қаттиқ силкани бошлади. Бола ҳам тилсиздек қарахт қараб турди. Кейин кўзларини катта-катта очиб, гайритабиий овоз чиқарди. Сўнг негидир бир-бирини бироқ исқоб кўришди. Бола борган сари маймуннинг - онасининг бағрига сингиб бороверди. Шу алфозда 15 дақиқача ўзаро ҳидлашиб, дий-

ли тажриба ваҳшийлик, албатта. Боланинг етти йилдан кейинги аҳволидан тўғриси, хайратмангиз. Соппа-соғ, ақлан ҳам тенгдошларидан ҳеч фарқи йўқ. Она-болани бир-бирини «танишига» келсак, ҳеч ажабланарли жойи йўқ. Ҳар қандай тирик мавжудат ўз боласини, ўз онасини ички бир сезги орқали танийди. Бу фанда янгилик эмас. Асосийси, тажриба муваффақиятли чиқди. Лекин, тажриба тақдорланмаслиги шарт. Бу табиат қонуниятини бузоди.

Балки Андрейни маймуннинг боласи деб ҳам адашаётганимиз. Лекин, шимпанзенинг жисми-ни доғлаб, боласидан айирриш ҳам ўта шафқатсизликдир? Ун саккиз минг олам сарвари - ҳамма нарсани ўз ўрнида, беқаму-қўст қилиб яратган. Майли, ҳаёт сўмоқлар эгри-бўғридир. Улар орасига айро туша тўшин. Фақат улар дийдорлашганда бир-бирини исқомасин. Тилсиз. Унсиз.

Дунёда шов-шувлар йўқ. Асосли, асоссиз. Балки, ҳақиқат бордир, улар замирида. Фақат шов-шувлар замиридаги ҳақиқатдан сўнг одамзот яна ўзи қилган ишидан хайратта тушмасе бўлгани.

Хорижий матбуот материаллари асосида Саида БОНУ тайёрлади.